

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК-ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ

ГЕОЛОГИЯ ВА КОНЧИЛИК факультети

«КОНЧИЛИК ИШИ ВА ГЕОДЕЗИЯ» кафедраси

**5311500-«Геодезия, картография ва кадастр» йўналиши бўйича
бакалавр даражасини олиш учун**

***БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ
ИШИ***

**Мавзу: Қашқадарё вилояти Ғузор тумани Навоий номли
массиви ҳудудини кадастр зоналарига бўлиш ва ер
участкаларида кадастр рақамларини шакллантириш.**

БМИ бажарувчи:

Қаҳҳоров Бобур Жамоловия

Раҳбар:

Бозоров Малик Махмудович

«Ҳимояга рухсат этилди»

Кафедра

мудири _____

қ.х.ф.н.Ғ.Алиқулов

« _____ » _____ 2017 й.

«Ҳимоя учун ДАК га

юборилди» факультет декани

_____ доц.М.И.Раҳматов

« _____ » _____ 2017 й.

Қарши 2017 йил

ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК-ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ

«ТАСДИҚЛАЙМАН»
«ГК ва К» кафедраси мудири
қ.х.ф.н., Ғ.Н.Алиқулов
«__»_____ 2017 йил

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ УЧУН ТОПШИРИҚ.

Талабанинг исми, шарифи: Қаҳҳоров Бобур Жамоловия

1.БМИ нинг мавзуси: Қашқадарё вилояти Ғузор тумани Навоий номли массиви ҳудудини кадастр зоналарига бўлиш ва ер участкаларида кадастр рақамларини шакллантириш.

«12» январь 2017 йилда Институтнинг №25/Т буйруғи билан тасдиқланган

2.Тайёрланган битирув малакавий ишини топшириш муддати: 2017 й.

3. Битирув ишини бажаришга доир бошланғич маълумотлар: БМИ олди амалиёти даврида йиғилган маълумотлар ва материаллар

4. Ҳисоблаш тушунтириш ёзувларининг таркиби (ишлаб чиқиладиган масалалар рўйхати). Кириш. 1- боб Массивининг табиий, иқтисодий ва ижтимоий шароитлари тавсифи .2- боб. Ер ҳисоби ва ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни рўйхатга олиш ва кадастр рақамларини шакллантиришнинг услубий масалалари. 3- боб Навоий массиви ҳудудини кадастр зоналарига бўлиш ва ер участкаларида кадастр рақамларини шакллантириш Хулоса..Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

5. Чизма ишлари рўйхати (чизмалар номи аниқ кўрсатилади).

1. *Массив ер турларининг тарҳи*

2. *Массивдаги ер участкаларини кадастр зоналарига бўлиш ва кадастр рақамларини шакллантириш харитаси*

6. Битирув иши бўйича маслаҳатчилар.

№	Бўлим мавзуси	Маслаҳатчи ўқитувчилар ф.и.ш	Имзо, сана	
1			30.01.2017	26.06.2017

7. БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИНИ БАЖАРИШ РЕЖАСИ.

Т.р	Битирув иши босқичларининг номи	Бажариш муддати			Текширув-дан ўтганлик муддати
		сана	куни	%	
1	БМИ иши учун торшириқ олиш	28.01.16	3	3	29.02.2016
2	БМИ учун дастур тузиш	30.01.16	3	3	31.01.2016
3	БМИ нинг кириш қисмини тайёрлаш	10.02-21.02.2016	10	15	21.02.2016
4	БМИнинг 1 боби: Массивнинг табиий, иқтисодий, ижтимоий шароитлари тавсифи.	23.02-05.03.2016	12	35	05.03.2016
5	Массивнинг ер турлари жойлашиш тарhini чизиш.	07.03-11.03.2016	5	42	11.03.2016
6	БМИ нинг 2 боби: Ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни рўйхатга олиш ва кадастр рақамларини шакллантиришнинг назарий асослари	12.03-11.04.2016	10	70	11.04.2016
7	БМИ нинг 3 боби: Навоий массиви ҳудудини кадастр зоналарига бўлиш ва ер участкаларида кадастр рақамларини шакллантириш.	15.04-18.05.2016	6	85	18.05.2016
8	БМИнинг хулоса қисмини тайёрлаш.	23-28.05.2016	2	92	28.05.2016
9	БМИнинг фойдаланилган адабиётлар ва манбалар рўйхатини тайёрлаш.	01-05.06.2016	2	95	05.06.2016
10	БМИ ни расмийлаштириш ва кафедрага топшириш.	18.06.2016	3	100	18.06.2016

Битирув иши раҳбари:

Қаҳҳоров Бобур Жамолович

Топшириқни бажаришга олдим:

Бозоров Малик Махмудович

Топшириқ берилган вақти:

«28» январь 2017 йил

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ**

ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК-ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ

ГЕОЛОГИЯ ВА КОНЧИЛИК ФАКУЛЬТЕТИ

**5311500-« Геодезия, картография ва кадастр» бакалавриатура таълим
йўналиши**

“Кончилик иши ва геодезия” кафедраси

«Тасдиқлайман»

“КИ ва Г” кафедра мудири

_____Ғ.Н.Алиқулов

“ ____ ” _____ 2017 йил

**Қашқадарё вилояти Ғузор тумани Навоий номли массиви
худудини кадастр зоналарига бўлиш ва ер участкаларида
кадастр рақамларини шакллантириш**

**БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ
ДАСТУРИ**

БМИни бажарувчи:

Қаххоров Бобур Жамолович

Раҳбар:

Бозоров Малик Махмудович

Қарши–2017 й

Кириш

1. Республикамизда ҳудудларни кадастр зоналарига бўлиш ва кадастр рақамларини шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятлари.
2. Битирув малакавий ишининг мақсади, унда қўйилган вазифалар ва асос қилиб олинган материаллар

I-БОБ. МАССИВНИНГ ТАБИЙЙ, ИҚТИСОДИЙ, ИЖТИМОЙ ШАРОИТЛАРИНИНГ ТАВСИФИ.

- 1.1. Массивнинг табиий, иқтисодий ва ижтимоий шароитлари
- 1.2. Массив ер турлари ва улардан фойдаланиш тавсифи
- 1.3. Навоий номли массивидаги аҳоли пунктлари, йўл ва суғориш тармоқларининг тавсифи.
- 1.4. Массив ишлаб чиқариш фаолиятининг асосий кўрсаткичлари.

II-БОБ. ЕР УЧАСТКАЛАРИГА БЎЛГАН ҲУҚУҚЛАРНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ ВА КАДАСТР РАҚАМЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ.

- 2.1. Ер участкаларини рўйхатга олиш – ер кадастрининг асосий таркибий қисми сифатида.
- 2.2. Ер участкаларига кадастр рақамларини шакллантириш тартиби.
- 2.3. Ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни рўйхатга олишнинг мавжуд услублари.
- 2.4. Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги.

III-БОБ. НАВОЙ МАССИВИ ҲУДУДИНИ КАДАСТР ЗОНАЛАРИГА БЎЛИШ ВА ЕР УЧАСТКАЛАРИДА КАДАСТР РАҚАМЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ.

- 3.1. Массив ҳудудидаги ердан фойдаланувчиларнинг ер участкаларига бўлган ҳуқуқларини рўйхатга олиш.
- 3.2 “Навоий” массиви ҳудудидаги ер участкаларида кадастр рақамларини шакллантириш.
- 3.3. “Навоий” массиви ердан фойдаланувчиларни рўйхатга олиш ва кадастр рақамларини шакллантириш харитасини тузиш.

Хулоса

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

Иловалар

КИРИШ

Республикамизда қабул қилинган Ер кодекси, “Давлат ер кадастрлари тўғрисида”ги, “Фермер хўжаликлари тўғрисида”ги, “Дехқон хўжаликлари тўғрисида”ги Қонунлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида ерлардан мақсадли фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишни таъминлаш жараёнларини кузатиб бориш, назорат юритиш ҳамда таҳлил қилиб борилиши таъминланмоқда.

Фаолият юритаётган аксарият фермер хўжаликларининг иш тажрибаси шундан далолат берадики, фермер хўжаликларини шакллантиришнинг дастлабки босқичида уларга ажратиб берилган ер майдонларининг камлиги маҳсулот ишлаб чиқариш рентабеллигининг ўсишига кўп жиҳатдан тўсқинлик қилмоқда. Шундан келиб чиққан ҳолда, ер майдонларини тўлиқ инвентаризациядан ўтказиш ва фермер хўжаликлари фаолиятини танқидий баҳолаш асосида уларнинг ер майдонларини оптималлаштириш бўйича кенг кўламли, шу билан бирга пухта ўйланган ишлар амалга оширилди. Бунда фермер хўжаликларининг қайси соҳага ихтисослашгани ва мамлакатимизнинг турли ҳудудларидаги аҳоли зичлиги алоҳида эътиборга олинди.

Ер майдонларидан оқилона фойдаланиш кенг мажмуали муаммо бўлиб, у халқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этишнинг барча қирраларини камраб олади. Бу муаммони тўғри ҳал қилиш, энг аввало мавжуд ер майдонларини ҳар томонлама ўрганиш, ер майдонларидан фойдаланишнинг мавжуд ҳолатини таҳлил қилиш учун зарур бўладиган кўрсаткичлар тизимини аниқлаш ва шу асосда ер ресурслари фойдаланишнинг ҳолатига баҳо бериш ҳамда истиқболдаги самарали йўллари белгилашдан иборат. Булар эса, ўз навбатида ерлардан самарали фойдаланишни ташкил этишга йўналтирилган давлатнинг асосий тadbирларидан бири ҳисобланган ер кадастрига бўлган талабни тубдан ўзгартиради.

“Давлат ер кадастри тўғрисида”ги қонунга мувофиқ давлат ер кадастри ерларнинг табиий, хўжалик ва ҳуқуқий тартиби тўғрисидаги, уларнинг тоифалари, сифат кўрсаткичлари ва қиймати тўғрисидаги ер участкаларининг

жойлашган ўрни ва ўлчамлари тўғрисидаги, ерларни ер участкалари мулкдорларига ер эгаларига ва ердан фойдаланувчиларга тақсимлаш тўғрисидаги зарур, ишончли маълумотлар ва хужжатлар тизимидан иборатдир.

Давлат ер кадастри ер муносабатларини тартибга солиш, ердан оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш, ер тузиш ишларини ташкил этиш, ер тузиш, ер учун тўланадиган ҳақ миқдорларини асослаш хўжалик фаолиятига баҳо бериш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасини, маҳаллий давлат ҳокимияти органларини, манфаатдор юридик ва жисмоний шахсларни ер тўғрисидаги маълумотлар билан таъминлашга мўлжаллангандир.

Давлат ер кадастри муҳим ҳуқуқий, иқтисодий ва ижтимоий аҳамиятга эга. Унинг маълумотларидан ерлардан фойдаланишнинг қонунийлигини таъминлашда ва иқтисодиёт тармоқларининг турли-туман масалаларни ҳал қилишда ва умуман ердан фойдаланиш билан чамбарчас боғлиқ бўлган барча масалаларни ҳал қилишда кенг қўлланилади.

Давлат ер кадастрининг таркибий қисмлари ҳисобланган ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни рўйхатга олиш халқ хўжалигида ерлардан оқилона фойдаланишда уларнинг ҳуқуқий ҳолатини рўйхатга олиш ва кафолатлашни таъминлайди. Бунда айниқса қишлоқ хўжалиги корхоналарида, жумладан ердан фойдаланувчилар ва ер эгаликларининг ер участкаларига бўлган ҳуқуқларини рўйхатга олиш катта амалий аҳамиятга эгадир.

Ер кадастри маълумотлари халқ хўжалиги тармоқларида, айниқса иқтисодиётнинг асосий тармоқларидан бири бўлган қишлоқ хўжалиги корхоналарида ерлардан фойдаланишдаги ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишда ҳамда ер ва бошқа ишлаб чиқариш воситаларидан оқилона фойдаланишни ташкил этишда муҳим ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан ҳам битирув иши учун танланган мавзу ўзининг долзарблиги билан ажралиб туради.

Битирув малакавий ишнинг асосий мақсади ер участкаларига бўлган ҳуқуқларини рўйхатга олиш ва шу ҳудудда кадастр рақамларини шакллантиришдан иборатдир.

Битирув малакавий ишни бажаришда қуйидаги вазифалар белгиланган:

- битирув малакавий иш объекти сифатида танланган ҳудуднинг табиий ва ижтимоий шароитлари ҳамда ердан фойдаланиш ҳолатини ўрганиш ва таҳлил қилиш;
- ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни рўйхатга олиш масалаларини ўрганиш;
- массивда кадастр рақамларини шакллантириш.

Битирув малакавий ишини бажариш учун Қашқадарё вилояти Ғузор тумани “Навоий” массиви объект сифатида танланди. Битирув малакавий ишини бажариш учун объекта ердан фойдаланиш ҳолатини ёритувчи маълумотлардан, ер тўғрисидаги конун ва меъёрий ҳужжатлардан ҳамда соҳага оид махсус адабиётлардан фойдаланилди.

I БОБ

МАССИВНИНГ ТАБИЙ, ИҚТИСОДИЙ ВА ИЖТИМОЙ ШАРОИТЛАРИ ТАВСИФИ

1.1 Массивнинг табиий, иқтисодий ва ижтимоий шароитлари

«Навоий» массиви Қашқадарё вилояти Ғузор туманининг марказий қисмида жойлашган бўлиб, у 1974 йилда ташкил этилган. Навоий массиви иккита участкадан иборат бўлиб, давлат далолатномасига биноан массивга бугунги кунда ижара асосида фойдаланиш учун 10644 га ер майдони бириктирилган. Массив шимол томондан Хонобод массиви билан, ғарб томондан Бўстон массиви ерлари билан, жануб томондан Янгикент ерлари билан, шимол томондан эса Қарши туман ерлари билан томондан чегарадошдир

Массив асосан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, жумладан пахта, дон, қисман сабзавот, полиз маҳсулотлари ва мева етиштириш билан шуғулланади.

Иқлими. Массив ҳудудининг иқлими асосан кескин континентал бўлиб, ёз ойларида атмосфера ҳарорати анча иссиқ, жазирама, қиш ойлари эса анча совуқ бўлиши кузатилади. Массив ярим чўл минтақасида жойлашгани учун ёз ойлари анча иссиқ бўлади. Массивда яшил дарахтзорларнинг кўп миқдорларда мавжудлиги ёз ойларида ҳам ҳавонинг мўътадил бўлишини таъминлайди.

Ғузор тумани ва унинг ён-атрофларидаги ҳудудлар об-ҳавосини кузатувчи «Ғузор» метеостанциясининг берган кўп йиллик маълумотларига қараганда, июль ойининг ўртача ҳарорати $+23^{\circ}\text{C}$ ни, энг юқори ҳарорати эса $40-42^{\circ}\text{C}$ ни, январь ойининг ўртача ҳарорати -5°C ни ва энг паст ҳарорат эса $-14-18^{\circ}\text{C}$ ни ташкил этади. Совуқсиз кунлар миқдори йилига ўртача 215-220 кунни, йиллик ўртача ёғингарчилик миқдори 380-420 мм.ни ташкил қилади. Қуйида 1.1- жадвалда «Ғузор» метеостанциясининг маълумотлари бўйича «Навоий» массиви ҳудудининг иқлими тўғрисида кўп йиллик ўртача маълумотлар келтирилган.

«Ғузор» метеорологик станциясининг кўп йиллик маълумотлари бўйича
массив иқлимининг асосий кўрсаткичлари

Т.р.	К ў р с а т к и ч л а р	Ўртача йиллик миқдори
1	Атмосферанинг ўртача йиллик ҳарорати	+9,8 С
2	Атмосферанинг максимал ҳарорати	+23 °С
3	Атмосферанинг минимал ҳарорати	-4 °С
4	Фойдали ҳарорат йиғиндиси	3200 °С
5	Баҳорги охирги совуқ кун	20.03
6	Кузги биринчи совуқ кун	10.11
7	Йил давомидаги совуқсиз кунлар миқдори	215-220 кун
8	Ёғингарчиликнинг йиллик миқдори	380-420 мм
9	Шамолнинг йиллик ўртача миқдори	10-14 м/сек
10	Шамол йўналишининг қайтарилиши	%
	Ш	24,0
	ШШқ	22,4
	Шқ	8,0
	ЖШқ	17,4
	Ж	12,0
	ЖҒ	13,2
	Ғ	8,2
	ШҒ	22,4

1.1-жадвалдаги маълумотлардан кўринадики, фойдали ҳарорат йиғиндиси вегетация даврида 3200 °С ни ташкил этади. Шамолнинг асосий йўналишлари шарқдан, жанубий шарқдан ва жанубдан ҳисобланади. Ёғингарчиликнинг асосий қисми баҳор, куз ва қиш ойларига тўғри келади.

Йил давомидаги кучли ёмғирли кунлар миқдори ўртача 14-16 кунга тенг, +36 °C дан юқори ҳароратга эга бўлган кунлар сони 55-60 кунни ташкил этади. Бу маълумотлардан кўринадик, массив ҳудуди асосий иссиқ севар экин ҳисобланган пахта, донли экинлар, сабзавот ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларини етиштириш учун қулайдир. Шу сабабли ҳам массивда сунъий суғоришга асосланган деҳқончилик анча ривожланган.

Реълефи. Массив ҳудуди асосий қисми текисликлардан иборат бўлиб, умумий нишаблик жанубдан шимолга қараб кетади. Массив текисликларини бу ердаги суғориш, уларнинг дўнгликлари ва эски ариқларнинг қолдиқ ўринлари ҳам бузади.

Тупроғи. «Ўздаверлойиҳа» илмий лойиҳалаш институти Ер кадастри филиалининг тупроқ экспедицияси томонидан 2009-2012 йилларда ўтказилган тупроқ кузатувларининг маълумотларига қараганда, массив ҳудудида асосан суғориладиган бўз ва бўз ўтлоқи тупроқлар тарқалган. Массив ерларининг асосий қисмини бўз ўтлоқи тупроқлар эгаллаган. Бу бир хилдаги тупроқлар ўзларининг хусусиятлари ва диагностик белгилари бўйича бир-бирларидан фарқ қиладиган қатор тупроқлар айирмаларига бўлинади. Массив ҳудудидаги тупроқ хиллари асосан янгидан суғориладиган ўрта ва кам даражада маданийлашган. Ер ости сувлари сатҳининг ер юзасига яқин жойлашганлиги сабабли массивдаги тупроқлар кучли ва жуда кучли даражада шўрланган. Массив майдонларида тарқалган тупроқ айирмаларининг умумий тавсифлари қуйидаги 1.2- жадвалда келтирилган.

Массив худудида тарқалган тупроқлар экспликацияси

Туп- рок хил- лари	Суғорилиш даври ва маданийлашг анлик даражаси	Механик таркиби		Чиринди		Шўр- ланиш дара- жаси	Тош- лоқлик дара- жаси	Майдони, га		Ҳисоб- ланган бони-тет бали	Сиф ати
		0-30 см	30-100 см	Қали н- лиги	%			Уму- мий	Ҳай- дал- ма ер- лари		
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
1	Янгидан суғориладига н кам маданийлашг ан	Ўрта кумоқ	Оғир кумоқ	60	0,97	Шўрлан ма ган	Ювилм а ган	154,3	405,6	36	Яхш и
2	Эскидан суғориладига н ўрта маданилашга н	Енгил кумоқ	Енгил кумоқ	70	1,00	Шўрлан ма ган	Ювилм а ган	185,6	120	38	Ўрт ача
3	Янгидан суғориладига н кам маданийлашг ан	Ўрта кумоқ	Енгил кумоқ	50	0,82	Шўрлан ма ган	Ювилм а ган	86,5	65	63	Ўрт ача
4	Янгидан суғориладига н ўрта маданийлашг ан	Оғир кумоқ	Ўрта кумоқ	50	0,92	Шўрлан ма ган	Ювилм а ган	253,1	134	42	Ўрт ачад ан паст
5	Янгидан суғориладига н кам маданийлашг ан	Енгил кумоқ	Оғир кумоқ	50	1,14	Шўрлан ма ган	Ювилм а ган	100,9	95,1	47	Ўрт ачад ан паст
6	Янгидан суғориладига н кам маданийлашг ан	Ўрта кумоқ	Енгил кумоқ	70	1,00	Шўрлан ма ган	Ювилм а ган	62,1	49,3	36	Ўрт ача
7	Янгидан суғориладига н ўрта маданийлашг ан	Оғир кумоқ	Енгил кумоқ	60	1,00	Шўрлан ма ган	Ювилм а ган	36,4	209,4	36	Яхш и
8	Кишлоқ							66,8			

	хўжалигига яроқсиз ерлар										
9	Сув юзаси							37,8			
Жами									1088,9		
Массив бўйича ўртача балл										59	

1.2- жадвалдаги маълумотларга қараганда суғориладиган оч тусли бўз тупроқлар асосан янгидан суғориладиган ўртача даражада маданийлашган, суғориладиган ўтлоқи тупроқлар ҳам янгидан суғориладиган, ўрта ва кам маданийлашган тупроқ айирмаларидан иборат.

Чиринди қатламининг қалинлиги оч тусли бўз тупроқларда 15-20 см. ни, суғориладиган ўтлоқи тупроқларда эса 30-35 см. ни ташкил қилади. Бу ҳол ўз навбатида ушбу тупроқларнинг умумий унумдорлигига ўзининг таъсирини ўтказган. Массив майдонларида тарқалган тупроқлар ўзларнинг тош аралашганлик даражаси билан ҳам ажралиб туради. Бу эса уларга ишлов беришда қисман қийинчиликлар туғдиради. Массиви ҳудудининг 22 фоизини суғориладиган оч тусли тупроқлар, 78 фоизини эса суғориладиган ўтлоқи тупроқлар ташкил этади. 2012-2015 йилларда ўтказилган ер баҳолаш ишларининг натижаларига қараганда массив тупроқларининг ўртача бонитет балли 59 балл билан, аксинча унумдорлиги паст тупроқлар 41 балл билан баҳоланган. Массив майдонларининг 40 фоизи яхши сифатга, қолган 60 фоизи эса сифати паст тупроқлардан иборат. Бу маълумотлардан келгусида массив ер майдонларидан фойдаланиш йўналишларини белгилашда ва унинг самарадорлигини ошириш бўйича аниқ тадбирлар белгилашда фойдаланиш зарур. Бундан биринчи навбатда ширкат массиви ер майдонларидан фойдаланишни таҳлил қилишда фойдаланиш зарурдир.

1.2. Массив ер турлари ва улардан фойдаланиш тавсифи

Туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимидан олинган расмий маълумотлар ва материалларга қараганда массиви чегарасидаги ерларнинг умумий майдони 10644 гектарни ташкил этади. Давлат далолатномасига биноан ушбу майдоннинг 10544 гектари массивига доимий фойдаланишга берилган. Булардан кўринадик, массив чегарасидаги 100 гектар бегона ердан фойдаланувчилар мавжуд. Умуман, массив ер майдонларини ер турлари бўйича тақсимланиши туғрисидаги маълумотлар қуйидаги 1.3-жадвалда келтирилган

1.3-жадвал

«Навоий» массиви ер майдонларини ер турлари бўйича тақсимланиши

Т.р.	Кўрсаткичлар	Майдони, га	Умумий майдонга нисбатан % ҳисобида	Қишлоқ массив ерларига нисбатан % ҳисобида
1	2	3	4	5
1	Жами ҳайдалма ерлар шундан, суғориладигани лалми	4176 4146.4 29,6	39.2 38.9 0.3	44.6 44.2 0.3
2	Кўп йиллик дарахтзорлар шундан:	14	0.1	0.1
	- боғлар	10	0.1	0.22
	- узумзорлар	-	-	-
	- тутзорлар	4	0.04	0.04
3	Ўтлоқ ва яйловлар	5158	48.5	55.14
4	Жами қишлоқ хўжалик ерлари	9371	88	
5	Томорқа ерлари	148	2.9	
16	Мелиоратив қурилиш ҳолатидаги ерлар	284	5.8	
9	Бошқа ерлар	46,5	1.06	
	Бўз ерлар	23	1.22	
10	Ўрмонзорлар	2	1.02	
13	Массив чегарасидаги барча ерлар	10644	100	

1.3-жадвалдаги маълумотлардан кўринадик, массив умумий ер майдонларининг 39.2 фоизини қишлоқ хўжалик ерлари, шундан 38.9

фоизини ҳайдалма ерлар 10 фоизини эса боғлар ташкил этади. Массивдаги қишлоқ хўжалик ерларининг деярли 88 фоизини ҳайдалма ерлар ташкил этади, боғлар эса 10 фоизини ташкил этади ҳолос. Кейинги йилларда қишлоқ хонадонлари томорқа ерларининг кенгайганлиги сабабли бугунги кунга келиб массив майдонларининг деярли 2.9 фоизини томорқа ерлари ташкил этади.

Юқорида қайд қилинганидек массив ҳудудида турли туман бегона ердан фойдаланувчилар ҳам жойлашган бўлиб, уларнинг умумий ер майдони 100 гектарни ташкил этади. Булар турли туман саноат ва транспорт корхоналари, таълим-тарбия муассасалари бўлиб, асосан массив аҳолисига хизмат кўрсатиш, уларнинг турмуш маданиятини оширишга йўналтирилган. Ушбу бегона ердан фойдаланувчилар эгаллаган майдонлар тўғрисида маълумотлар қуйидаги 1.4-жадвалда келтирилган.

1.3. Навоий массивидаги аҳоли пунктлари, йўл ва суғориш тармоқларининг тавсифи.

«Навоий» массиви ҳудудида 1 та қишлоқ аҳоли пункти мавжуд бўлиб, уларда жами 902 хонадон истиқомат қилади. Ушбу аҳоли пунктлари ва улардаги аҳоли сони тўғрисидаги маълумотлар қуйидаги 1.6-жадалда келтирилган.

1.6 - жадвал

«Навоий» массиви ҳудудидаги аҳоли яшаш пунктларининг тавсифи

Т.р.	Аҳоли пунктларининг номи	Умумий аҳоли сони	Хонадонлар сони	Меҳнатга лаёқатли одамлар сони	Шундан массивда ишлайдигани
1	2	3	4	5	6

1	Навоий	4510	902	3450	1060
	Жами	4510	902	3450	1060

1.6 - жадвалдаги маълумотлардан кўринадики, массив ҳудудида мавжуд бўлган аҳоли пунктларининг ичида «Навоий» қишлоғи энг йирик ҳисобланиб, бу аҳоли пунктида жами 4510 киши истиқомат қилади, 1060 киши массивда ишлайди. Меҳнатга лаёқатли аҳолининг деярли 76 фоизи массивдан ташқарида ишлайдилар,

Массивда асосан суъний суғориш асосида деҳқончилик юритилади. Массив майдонлари Пачкамар сув омборидан, магистраль каналдан сув оладиган хўжаликлараро каналлари ёрдамида суғориш суви билан таъминланади. Бунинг учун массив жуда кўп тармоқланган суғориш каналларига, жумладан ички массив каналларига, участкаларга ва сув тақсимлайдиган каналчаларга эгадир. Суғориш каналларини юқори сифатда ва юқори унумдорлик билан ишлашини таъминлашга массивда катта эътибор берилади. Шу сабабли ҳам бугунги кунда массивдаги асосий суғориш тармоқлари бетонлаштирилган, зарур гидротехник иншоотлар билан таъминланган. Аммо шунга қарамасдан баъзи ички каналларни қайта таъмирлаш зарурдир. Массив суғориш тармоқлари билан бир қаторда зарур коллектор-деренаж таромоқдари ҳам эгадир. Бу тармоқлар асосан ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, шўрини ювиш ва ортиқча сувларни чиқариб ташлаш ёки бу сувларни жамлаб қайтадан фойдаланишда қўл келади.

Массив ер фонди ва ундан фойдаланиш тўғрисида сўз юритилар экан, унинг иқтисодиётига, одамларнинг турмуш шароитини оширишга йўналтирилган омиллардан бири ҳисобланган йўл тармоқларини массивда анчагина ривожлантирилганлигини алоҳида эътироф этиш зарур.

1.4. Массив ишлаб чиқариш фаолиятнинг асосий кўрсаткичлари.

Массив тўғрисида, унинг ишлаб чиқариш тармоқлари бўйича олинган маълумотларга қараганда, ширкат массивининг асосий ишлаб чиқариш тармоғи – деҳқончилик, ёрдамчи тармоғи – чорвачилик ҳисобланади. Деҳқончиликда массив асосан пахта, дон, сабзавот, картошка ва ем-хашак экинларини етиштиради. Деҳқончиликнинг барча соҳалари бугунги кунда асосан фермер хўжаликларига айлантирилган. Натижада массив иқтисодиёти кейинги йилларда анча кўтарилди, ердан ва бошқа ишлаб чиқариш воситаларидан фойдаланиш самарадорлиги анча оширилди. Буларнинг барчасини қуйидаги иқтисодий натижалардан кўриш мумкин. Қуйидаги 6-жадвалда массивининг экин майдонларида 2016 йилда экилган қишлоқ хўжалик экинларининг таркиби тўғрисида маълумотлар 1.7-жадвалда келтирилган.

1.7 - жадвал

Қишлоқ хўжалик экинларининг таркиби

Т.р.	Қишлоқ хўжалик экинлари	Майдони	
		га	%
1	2	3	4
1	Суғориладиган буғдой Лалми буғдой	1769,3	65
2	Маккажўхори жами: шундан: - донга - силосга	74 54,6 19,4	 2,2 0.7
3	Вўза	640,2	23.5
4	Сабзавот	43,5	1,6
	Картошка	14,2	0.7
5	Беда	84,5	3,2

6	Полиз	48,6	1.8
7	Арпа	34,7	1.3
	Жами:	2709	100

1.7-жадвалдаги маълумотлардан кўринадикки жами экин майдонларининг асосий қисми пахта ва дон экинлари билан банд бўлган. Бошқа экинларнинг майдони унчалик катта эмас. Айниқса беда экиннинг майдони массив бўйича бор-йўғи 84,5 гектарни ташкил этади. Картошка экиннинг майдони ҳам кўп эмас, яъни 14,2 гектардан иборат. Массивда июнь ойида дон экинлари, яни буғдойдан 1769,3 гектар майдон бўшайди. Бу ерларда эса такрорий экинларни экиш умуман йўлга қўйилмаган. Бу ҳол суғориладиган ерлардан фойдаланиш самарадорлигига салбий таъсир кўрсатади.

Массивдаги деҳқончиликнинг мавжуд ҳолатини аниқлаш ва унга тўғри баҳо бериш, суғориладиган экин майдонларидан фойдаланишнинг мавжуд даражасини аниқлаш учун массивда экилган қишлоқ массив экинларининг ҳосилдорликлари, етиштирилган деҳқончилик маҳсулотларининг миқдорлари тўғрисидаги маълумотларни келтириш мақсадга мувофиқдир. Бу маълумотлар қуйидаги 8-жадвалда келтирилган.

1.8-жадвал

“Навоий” массивида 2016 йилда етиштирилган қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорликлари ва етиштирилган маҳсулотлар.

Т.р.	Қишлоқ хўжалик экинлари	Экинларнинг майдони, га	Ҳосилдорлиги га\ц	Ялпи ҳосил, т
1	2	3	4	5
1.	Суғориладиган буғдой	412,8	36,6	1510,8
2.	Арпа	17,5	38,4	67,2
3.	Маккажўхори – донга	21,7	93,4	202,6

4.	Пахта	564,2	30,0	1692,6
6.	Маккажўхори – силосга	12.1	171,3	207,2
7.	Картошка	7,5	108,0	81,0
8.	Беда	22.6	156,0	352,5
9.	Полиз	16.3	181,3	295,5
	Жами	4176	-	-

1.8 - жадвалдаги маълумотлардан кўринадики, Навоий массивида 2013 йилда 1510,8 тонна буғдой, 1692,6 тонна пахта ва кўпгина деҳқончилик маҳсулотлари етиштирилган. Бунда буғдойнинг ҳосилдорлиги гектаридан 36,6 центнерни, пахтаники 30,0 центнерни ташкил этган. Умуман бу кўрсаткичлар массивда суғориладиган майдонлардан фойдаланиш даражаси ўртача эканлигини кўрсатади, негаки баъзи ўхшаш табиий-иқтисодий шароитга эга бўлган массивларда суғориладиган майдолардан олинаётган ҳосилдорлик дондан ўртача 38,0 центнерни, пахтадан эса 24,4 центнерни ташкил этган. Бу кўрсаткичлар массив ер майдонларидан фойдаланиш даражасига аниқ баҳо бериш имконини беради.

Чорвачилик тавсифи. Навоий массивида 2 та чорвачилик фермер хўжалиги мавжуд бўлиб уларга жами суғориладиган ерлардан 93.71 гектар ер майдони ажратилган. Олинган маълумотларга қараганда 2000-2002 йилларда бошларида массив ихтиёрида 2 та чорвачилик фермаси бўлиб, уларда жами 600 бошдан ортиқ жамоа қорамоллари парвариш қилинган. 2004-2006 йилларда массивнинг чорвачилик фермаларини хусусийлаштириш натижасида 1 та қорамол фермаси хусусийлаштирилган ва бугунги кунда массив ихтиёрида фақат битта ферма қолган бўлиб унда жами 145 қорамол жумлада 86 бош соғиладиган сигирлар мавжуд. Чорвачилик массивда ёрдамчи тармоқ сифатида фаолият кўрсатади. У

бугунги кунда тўла оилавий пудратга ўтказилган. Массивда чорвачиликнинг асосий кўрсаткичлари қуйидаги жадвалда келтирилган.

1.9 - жадвал

Чорвачиликнинг асосий кўрсаткичлари

Т.р.	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирилги	Миқдори
1	2	3	4
1.	Мавжуд қорамоллар сони	бош	145
2.	Соғиладиган сигирлар сони	бош	86
3.	Бир сигирдан соғиб олинадиган сут	кг	1680
4.	Жами етиштирилган сут	т	144,4
5.	Жами етиштирилган гўшт	т	2,1

1.9 - жадвалдан кўринадикки 2013 йилда массив бўйича 144,4 тонна сут, 2,1 тонна гўшт етиштирилган. Бу кўрсаткичлар 2010 йилга нисбатан 1,3 фоизга кўп эканлигини кўрсатади. Шу билан бирга қайд қилиш жоизки, массивда хусусий ва шахсий чорва моллар бош сони кўпаймоқда. Қишлоқ фуқаролар йиғинидан олинган маълумотларга қараганда, 1999 йилга нисбатан 2013 йилда хонадонлардаги шахсий қорамоллар сони 2 баробар ошган.

Массивдаги яна бир ёрдамчи тармоқ бу боғдорчилик ҳисобланади. Массиви ҳудудида 6,2 гектар боғ майдонлари мавжуд бўлиб уларнинг барчаси ҳосил берадиган боғлардир. 2013 йил натижалари бўйича жами 69,4 тонна мева етиштирилган. Бу кўрсаткичлар бошқа қўшни массивларга нисбатан анча яхшидир.

Массивида йил давомида етиштирилган чорвачилик ва деҳқончилик маҳсулотларини давлатга сотиш ёки бир қисмини бозорда сотиш, бошқа корхона, ташкилот ва муассасаларга турли хизматлар кўрсатиш натижасида умумий даромад вжудга келади. Қишлоқ хўжалик

махсулотларини етиштириш ёки хизмат кўрсатишга сарфланган харажатларни аниқлаш ва уларни массив ялпи даромадидан чиқариб ташлаш натижасида соф даромад вужудга келади. Бу соф даромаднинг бир қисми массивни ривожлантириш учун сарфланса, қолган қисми дивидент сифатида массив ва фермер хўжалиги аъзоларига тарқатилади. Массив фаолиятининг асосий иқтисодий кўраткичлари қуйидаги 1.10-жадвалда келтирилган.

1.10 - жадвал

Массивнинг асосий иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари

Т.р.	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирилги	Микдори
1.	Массивнинг умумий ер майдони	га	1477,2
2.	Фойдаланиладиган умумий майдони	га	1088,9
3.	Суғориладиган ҳайдалма ер майдони	га	1088,9
4.	Вўза майдони	га	564,8
5.	Буғдой майдони	га	412,8
6.	Ҳосилдорлик:	ц\га	
	- ғўза	ц\га	30,0
	- буғдой	ц\га	36,6
7.	Ялпи ҳосил:	т	
	- пахта	т	1692,6
	- буғдой	т	1510,8
8.	Етиштирилган:		
	- сут	т	144,4
	- ғўшт	т	2,1
9.	Олиган ялпи даромад жами:	минг сўм	1959480
	-	минг сўм	1711380
	деҳқончиликдан	минг сўм	248100
	- чорвачиликдан		

10.	Сафланган харажатлар	минг сўм	1469610
11.	Соф даромад	минг сўм	489870
12	РентАбеллик даражаси	%	33,0

1.10 - жадвалдан кўринадикки, 2013 массив йилида массив бўйича 489,87млн. сўм соф даромад олинган. РентАбеллик даражаси эса 33,0 фоизни ташкил этган.

II-БОБ
ЕР УЧАСТКАЛАРИГА БЎЛГАН ҲУҚУҚЛАРНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ
ВА КАДАСТР РАҚАМЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ
НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

2.1. Ер участкаларини рўйхатга олиш – ер кадастрининг асосий таркибий қисми сифатида.

Ўзбекистон Республикаси "Ер кодекси" нинг 15-моддасига ҳамда "Давлат ер кадастри тўғрисида"ги қонуннинг 3 -моддасиги биноан " Давлат ер кадастри давлат кадастрларининг ягона тизимининг асосий таркибий қисми ҳисобланиб, у ерларнинг табиий, хўжалик, ҳуқуқий режими, тоифалари, сифат хусусиятлари ва қиймати, ер участкаларининг ўрни ва ўлчамлари, уларнинг ердан фойдаланувчилар, ижарачилар ва мулкдорлар ўртасидаги тақсимоти тўғрисидаги маълумотлар ҳамда ҳужжатлар тизимидан иборат. Давлат ер кадастри ер участкаларига бўлган ҳуқуқларнинг давлат рўйхатидан ўтказишни амалга ошириш билан бир қаторда миқдори ва сифатини ҳисобга олишни, тупроқ бонитировкасини, ерларнинг қиймат баҳосини, шунингдек ер кадастрига доир ахборотларни бир тизимга солиниши, сақланиши ва янгилаб туришни ўз ичига олади.

Давлат ер кадастри ер муносабатларини тартибга солиш, ердан оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш, ер тузишни ташкил этиш, ер учун тўланадиган ҳақ миқдорларини асослаш, хўжалик фаолиятига баҳо бериш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, манфаатдор юридик ва жисмоний шахсларни ер тўғрисидаги маълумотлар билан таъминлашга мўлжаллангандир.

Давлат ер кадастри қуйидаги таркибий қисмлардан иборат:

- ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатига олиш;
- ер майдонларини миқдор ҳамда сифат жиҳатдан ҳисоб қилиш;
- тупроқ бонитировкаси ва ерларни иқтисодий баҳолаш.

Давлат ер кадастрининг асосий таркибий қисмларидан бири ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатига олиш - ер майдонларини ҳуқуқий жиҳатдан хўжалик ҳолатини таъминлайдиган тадбирлар тизимини ўз ичига олади. Бу тадбир ер - мулкларни, ердан фойдаланувчиларнинг чегаралари бўйича ерларни маълум субъектларга

конуний бириктириб қўйиш фойдаланиш ҳуқуқларини берувчи давлат ҳужжатларини топшириш, субъектларни туман (шаҳар) Давлат ер кадастри китобига қайд қилишни ўз ичига олади.

Хўжалик ёки корхона, муассаса ва ташкилотларни ер участкаларига бўлган ҳуқуқларини рўйхат қилиш давлат ер кадастрининг асосий таркибий қисмлари ҳисобланади. Рўйхатлаш маълум бир ер учаскасига мулкдорлик, фойдаланиш ёки ижара ҳуқуқини расмийлаштириш ҳамда давлат миқёсида қабул қилинган ягона шаклдаги ҳужжатларда акс эттириш бўйича ҳуқуқий тадбир ҳисобланади.

Ер участкасига булган ҳуқуқларни рўйхатга олиш ер ҳисоби билан узвий боғланган ҳолда олиб борилади.

2.2. Ер участкаларига кадастр рақамларини шакллантириш тартиби.

Ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни рўйхатга олишнинг муҳим ташкилий тадбирларидан бири – бу ҳудудни кадастр бўйича бўлиш ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудларини кадастр бўйича бўлиш кўчмас мулкни ҳисобга олишнинг ягона тизимини яратиш ҳамда ер участкалари, бинолар ва иншоотларга кадастр рақамларини бериш мақсадида амалга оширилади.

Ер участкалари кадастр бўйича бўлишнинг ва ажратиш тартибида ажратилган ерни ҳисобга олишнинг дастлабки бирлиги ҳисобланади.

Муайян юридик ва жисмоний шахсларга бириктирилмаган умумий фойдаланишдаги ерлар, жумладан кўчалар, майдонлар, кўкаламзорлаштирилган минтақалар, ёдгорлик мажмуалари, қабристонлар, шаҳар ахлатхоналари, шаҳар қурилиши учун ажратиладиган заҳира ерлар ва бошқа ерларга бўлинадиган кадастр бўйича ҳисобга олиш участкалари ерни кадастр бўйича бўлиш ва ҳисобга олиш бирлиги ҳисобланади.

Ҳудудларни кадастр бўйича бўлиш Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва туманлар (шаҳар туманларидан ташқари) доирасида ер ресурслари бошқармалари томонидан, шаҳарлар ва аҳоли пунктлари

доирасида – туманлар кўчмас мулк кадастри хизматлари томонидан ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 21 январдаги 35-сонли қарори билан тасдиқланган “Ер участкалари, бино ва иншоотларни кодлаштиришнинг ягона тизими”га мувофиқ илгари берилган кадастр рақамлари сақланиб қолинади. Ушбу тартибга мувофиқ берилган ер участкаларининг кадастр рақами 16 сондан ва бинолар, иншоотларнинг кадастр рақами 20 сондан иборат бўлиши шарт. Ушбу қоидага риоя қилинмасдан берилган кадастр рақамлари маълумотлар базасида ва кадастр ҳужжатларида тўғриланади.

Ушбу тартибга мувофиқ берилган кадастр рақамлари ер участкасининг чегаралари ва майдонлари ўзгарганда, кўчмас мулк бўйича операциялар амалга оширилаётганда, кўчмас мулк объектларининг ҳуқуқ эгалари ўзгарганда, юридик ва жисмоний шахслар мурожаат қилганда, уларга янги кадастр рақами мазкур Йўриқномага мувофиқ берилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 31 декабрдаги 492-сонли қарорига мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Қашқадарё шаҳар ҳокимларининг қарорлари билан ҳудудларни кадастр бўйича бўлиш материаллари тасдиқлангандан кейин эски тартибга мувофиқ ер участкаларига берилган кадастр рақамлари мазкур Йўриқномада белгиланган тартибга мувофиқ ўзгартирилади.

30. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 31 декабрдаги 492-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси ҳудудларини кадастр бўйича бўлиш ҳамда ер участкалари, бинолар ва иншоотларнинг кадастр рақамларини шакллантириш тартиби тўғрисида низом”га мувофиқ бўлинган зоналар, массивлар ва мавзелар, асосан, сақланиб қолинади.

**Ўзбекистон Республикаси ҳудудини кадастр бўйича бўлиш
СХЕМАСИ**



Кадастр рақами бу – ер участкаси, бино, иншоотга тегишли Ўзбекистон Республикаси ҳудудида такрорланмайдиган рақамдир, у қонун ҳужжатлари билан белгиланган тартибда уни шакллантиришда берилади ва у рўйхатдан ўтказилган ҳуқуқнинг ягона объекти сифатида фаолият юритиш давомида сақланиб қолади.

Қуйидагилар ер участкаси, бино ва иншоотларнинг кадастр рақамининг мажбурий элементларини ташкил этади:

АА - минтақа (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Қашқадарё шаҳри) нинг рақами;

ВВ - минтақа таркибидаги маъмурий туман ёки вилоятга бўйсунувчи шаҳарнинг рақами;

СС - кадастр зонасининг рақами;

ДД - кадастр массивининг рақами;

ЕЕ - кадастр мавзесининг рақами;

FFFF - ер участкасининг рақами;

GGGG - бино ёки иншоотнинг рақами;

ННН - бино, иншоот бир қисмининг рақами;

Яхлит ҳолда кадастр рақами қуйидаги тузилмага эга:

АА : ВВ : СС: ДД: ЕЕ : FFFF : GGGG : ННН

Ер участкасига кадастр рақамини бериш ер участкаларига кўчмас мулк объекти сифатида шакллантирилган ва уларнинг чегаралари туман (шаҳар) навбатчи кадастр харитасига киритилганидан кейин бошланади. Қашқадарё вилояти Чирчиқ шаҳридаги ер участкаларида кадастр рақамларини шакллантирилишини мисол тариқасида келтиришимиз мумкин.

**Ер участкаси, бино ва иншоотларнинг кадастр рақамларини
шакллантириш мисоли**

1. Ер участкаси Қашқадарё вилояти Чирчиқ шаҳрида жойлашган:

Қашқадарё вилоятининг коди – 18,

Ғузор туманининг коди – 14,

Ер участкаси жойлашган кадастр зонаси коди – 11,

Ер участкаси жойлашган кадастр массиви коди – 03,

Ер участкаси жойлашган кадастр мавзеси коди – 02,

Кадастр мавзесида жойлашган ер участкасининг коди – 0012,

Ер участкасининг кадастр рақами қуйидагича бўлади:

18:14:11:03:02:0012

2. Бино ва иншоотнинг кадастр рақами:

Ер участкасининг кадастр рақами –18:14:11:03:02:0012

Ушбу ер участкасида 5 бино ва иншоот жойлашган.

Ҳар бир бино ва иншоотнинг кадастр рақами қуйидаги сонлардан иборат бўлади:

18:14:11:03:02:0012:0001

18:14:11:03:02:0012:0002

18:14:11:03:02:00127:0003

18:14:11:03:02:0012:0004

18:14:11:03:02:00127:0005

3. Кўп қаватли турар жойдаги квартиранинг кадастр рақами:

Ер участкасида жойлашган 0001 код берилган турар жой биносидаги квартиранинг тартиб рақами 27 бўлса, квартиранинг тулиқ кадастр рақами қуйидагича бўлади:

18:14:11:03:02:0012:0001:027

Бунда 0001 турар жой биносининг коди, 027 бинонинг бир қисми – квартиранинг коди.

**Ер участкаларининг кадастр рақамларини
ҳисобга олиш реестри**

_____ коди	
(ҳудуд номи)	
_____ коди	
(туман, шаҳар номи)	

01-зона (_____), 01-массив, 01-мавзе
(аҳоли пунктининг номи)

Т/р	Ер участкадан фойдаланувчининг номи	Ер участкасига берилган кадастр рақами	Ер участкасининг жойлашган жойи	Ер участкасининг майдони, га	Кадастр рақамининг бекор қилинганлиги тўғрисида белги (асос, сана)
1	2	3	4	5	6

**2.3. Ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни рўйхатга олишнинг мавжуд
услуглари.**

Ер участкасига бўлган ҳуқуқларни рўйхатга олиш маълум бир ер участкасидан фойдаланиш, ижарага олиш ҳуқуқларини расмийлаштириш ва ер участкаларига бўлган ҳуқуқлар тўғрисидаги маълумотларни қабул қилинган хужжатларда қайд қилиш билан боғлиқ масалаларни ўз ичига олади. Бунда дастлабки хужжатлари ер участкаларининг ҳуқуқий ҳолати тўғрисидаги маълумотлардан иборат бўлади. Аммо, ердан фойдаланиш

маълум бир мақсадга йўналтирилганлиги ҳамда маълум ҳудуд ва аниқ субъект билан боғлиқ бўлганлиги сабабли у ўз ичига ер участкаларининг хўжалик ҳолати, жойлашган ўрни ва ердан фойдаланишнинг ўлчамлари тўғрисидаги маълумотларни олади.

Ер участкасини ердан фойдаланувчига бериш тўғрисидаги ваколатли давлат органларининг қарори ҳамда ер тузиш лойиҳасини жойга кўчириш ва ер участкаси чегараларини жойда белгилаш тўғрисидаги далолатнома ердан фойдаланувчи ёки ер-мулкдорини рўйхат қилиш учун асос бўлиб хизмат қилади. Давлат рўйхатида расмийлаштирилгандан сўнг ердан фойдаланувчига ердан фойдаланиш ҳуқуқларини берувчи ҳужжатлар топширилади.

Ер участкаларини эгалик қилиш, фойдаланиш ёки мулк тариқасида бериш ер ажратиш тариқасида амалга оширилади. Ер участкаларини ажратиб бериш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, вилоятлар, Қашқадарё шаҳри, туманлар, шаҳарлар ҳокимлари томонидан қонун ҳужжатларида белгилаб қуйилган тартибда амалга оширилади. Фойдаланишдаги ер участкасининг бошқа шахсларга бериш шу ер участкаси белгиланган тартибда қайтариб олингандан кейингина амалга оширилади.

Ерни ижарага олиш ҳуқуқи ер участкасини ижарага олиш шартномаси асосида рўйхатдан ўтказилади.

Сервитутлар ва мулк ҳуқуқидаги бошқа чеклашлар ер участкаларидан фойдаланиш шартномалар, суд қарорлари асосида рўйхатдан ўтказилади.

Ер участкасидан ўзгаларнинг ҳам қисман фойдаланиши мумкинлиги тўғрисидаги ҳуқуқ давлат ҳокимияти органларининг қарорлари ёхуд қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар асосида рўйхатдан ўтказилади.

Бинога, иншоотга ва иморатга бўлган мулк ҳуқуқи бошқа шахсга ўтиши натижасида юзага келган ер участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи ана шу мулкдорларнинг олди-сотдиси, алмаштирилганлиги, ҳада этилганлиги ёки васият қилинганлиги тўғрисидаги тегишли шартномалар ва битимлар,

тузилади. Мулкдорларнинг ёки улар томонидан вакил қилинган органлар ва юридик шахсларнинг қарорлари, шунингдек бинога, иморатга, иншоотга мулк ҳуқуқи ундан бошқага ўтаётган шахснинг ер участкасига тегишли ҳужжатлари тегишли ҳокимият органларининг қарори билан расмийлаштирилганидан кейин рўйхатдан ўтказилади.

Саноат корхоналари, темир ва автомобиль йўллари, алоқа ва электр энергиясини узатиш қурилмалари, магистраль қувурлар қуриш учун, шунингдек, қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ бўлмаган бошқа эҳтиёжлар учун қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ёки қишлоқ хўжалиги учун яроқсиз бўлган ерлар ёхуд қишлоқ хўжалигининг сифати ёмон бўлган ерлардан ажратилади. Мазкур мақсадлар учун ўрмон фондига қарашли ерлардан ер участкалари асосан ўрмон билан қопланмаган майдонлар ёки бутазорлар ва арзон баҳо ўсимликлар билан қопланган майдонлар ҳисобидан берилади.

Ер участкаларига бўлган ҳуқуқлар, яъни ердан фойдаланувчилар давлат томонидан ушбу ҳуқуқларни тасдиқлайдиган ҳужжатга эга бўладилар. Ердан фойдаланиш турларига қараб ҳуқуқий расмийлаштириш ҳужжатлари ҳамда ердан фойдаланувчиларни рўйхат қилиш тартиби турлича бўлиши мумкин.

Ер участкаларига бўлган ҳуқуқлар учун давлат рўйхатини амалга ошириш ердан фойдаланиш тоифалари бўйича белгиланган тартибда туман ва шаҳар ҳокимиятларида амалга оширилади. Ҳар бир ердан фойдаланувчи бўйича муддатсиз, узоқ муддатли ва қисқа муддатли ерлар алоҳида рўйхат қилинади. Асосий ер рўйхати маълумотлари сифатида қуйидагиларни ажратиш мумкин: ердан фойдаланувчиларнинг номи, фойдаланиш тури, жойлашган ўрни, фойдаланиш муддати, ер майдони ва ердан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи давлат ҳужжатининг номи, унинг тартиб рақами ҳамда ердан фойдаланувчига берилган вақти ва бошқалар. Ердан фойдаланишнинг давлат рўйхати туман (шаҳар) Давлат ер кадастри китобининг биринчи бўлимида амалга оширилади.

Ер участкасидан фойдаланиш ҳуқуқини рўйхатлаш бўйича маълумотлар туманнинг ва алоҳида ердан фойдаланувчиларнинг бошқа кадастр хужжатларида ҳам қайд қилинади. Масалан, корхона, муассаса ва ташкилотларнинг ер кадастри китобининг биринчи бўлимида туман (шаҳар) Давлат ер кадастри китобининг биринчи бўлимида қайд қилинган корхона, муассаса ва ташкилотларнинг асосий ер рўйхати маълумотлари киритилади. Китобнинг бешинчи бўлимида эса фуқаролар томорқа ерларининг майдонлари қайд қилинади. Томорқа ерлар тўғрисидаги маълумотлар қишлоқ фуқаролар йиғинида юритилаётган хўжалик дафтарида ҳам қайд қилиб борилади.

Ердан фойдаланишдаги барча қонуний ўзгаришларни расмийлаштириб бориш ва ушбу ўзгаришларга ҳамда бирламчи рўйхат маълумотларига зарурий аниқликлар киритиш ердан фойдаланишнинг жорий рўйхати тартибида амалга оширилади. Шу тарзда ер участкаларининг рўйхатлаш маълумотлари доимий равишда шу кун талаби даражасида бажариб борилади.

Ер участкасига бўлган ҳуқуқларнинг юзага келиши, уни ўзга фойдаланувчига ўтиши, ундан фойдаланиш бўйича чекланиши ёки бекор қилиниши ҳам давлат рўйхатига олиб борилади. Ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни рўйхатга олганлик учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда рўйхатга олиш йиғими ундирилади. Давлат рўйхатига олиш белгиланган тартибда, юридик ёки жисмоний шахснинг ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатига олиш ишларини амалга оширувчи органга берган аризасига асосан амалга оширилади. Рўйхатга олиш ариза берган кундан эътиборан ун кунлик муддатда амалга оширилади ва давлат рўйхатига олинганлик тўғрисидаги гувоҳнома берилади.

Ер кадастри маълумотларининг аниқлиги, одатда, ернинг ҳуқуқий, табиий ва хўжалик ҳолати бўйича ер кадастри маълумотларини олиш

усулларига боғлиқ. Бундай маълумотлар план-картографик материалларда ҳамда матн ҳужжатларида ёритилади.

Ерларни рўйхатга олишда фойдаланиладиган план-картографик материаллар ер участкаси тўғрисида тўлиқ маълумотга эга бўлиш, ер участкасида жойлашган элементлар билан танишиш имконини беради.

2.4. Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги.

а) Ҳаёт фаолияти хавфсизлигининг назарий асослари.

Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги кишилик жамиятининг ҳамма ҳолатларидаги шароитлари ва хавфсизликлари билан қизиқади ва ўрганади. Бошқача қилиб айтганда ҳаёт фаолияти хавфсизлиги меҳнат муҳофазаси ва фуқоро муҳофазасига қараганда кенг ва универсалдир, яъни улар аниқ вазиятларда хавфсизликни таъминлашнинг қисман ҳолатларини ўрганади.

“Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги” фани фан ва техника ривожланишининг мантикий асосида вужудга келди.

Бизнинг эрамиздан олдин яшаган Пратагор “Инсон ҳамма нарсаларнинг мезонидир” деган шиорни олдинга ташлаган эди. Бу дегани, инсон нафақат ишчи кучи сифатида, балки меҳнат фаолияти жараёнида муҳофаза қилиниши зарур бўлган қийматга эгадир. Инсоний фаоллик турларининг ҳамма мажмуаси фаолият тушунчасини ҳосил қилади. Айнан ажратади, яъни фаолият ўзига хос хусусиятга эга бўлган фаолликнинг инсоний шаклидир.

“Ҳаёт–фаолияти хавфсизлиги” илмий фан бўлиб, хавфлар ва улардан ҳимояланишни ўрганади. Уни ўрганишнинг предмети фаолият (меҳнат) нинг бир томонидир, ёки айнан хавфлар ва улардан ҳимояланишдир.

Ҳаёт–фаолияти хавфсизлиги фанининг мақсади ишлаб чиқариш ва фавқулодда ҳолатларда хавфсизликни таъминлаш ва яхши иш шароитларини яратиш учун инсонларни назарий ва амалий жиҳатидан тайёрлаши, ҳамда экстремал вазиятларда қандай ҳаракат қилишни ўрганишдан иборатдир.

Хавф – Ҳаёт – фаолият хавфсизлигининг марказий тушунчаси бўлиб, у ҳодиса жараён ва объектларнинг инсон соғлигига тўғридан тўғри ёки

билвосита маълум шароитда қай даражада зарар етказиш қобилиятини кўрсатади, яъни кўнгилсиз оқибатларни олиб келади.

Хавфсизлик – бу фаолиятнинг ҳолати бўлиб, маълум эҳтимолликда хавфларнинг келиб чиқишини бартараф қилишдир.

Хавфсизлик бу инсонлар олдида қўйилган мақсаддир. Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги эса мақсадга эришишнинг восита, йўл ва усуллари дир.

б) Фуқоро муҳофазаси

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 4 мартдаги фармонида кўра Республикамиз ҳудудида юзага келиши эҳтимоли бўлган табиий ва техноген турдаги фавқулодда вазиятларни олдини олиш, уларни прогнозлаш ва юз берган ҳолда уларнинг оқибатларини зудлик билан тугатиш ишларини ташкил қилиш учун мустақил давлатлар ҳамкорлиги ичида Ўзбекистон фавқулодда вазиятлар вазирлиги биринчилардан бўлиб ташкил қилинди. Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисида 20 август 1999 йилда қабул қилинган “Аҳоли ва ҳудудларни табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида”, 2000 йил 31 августдаги “Фуқоро муҳофазаси тўғрисида”, “Радиациявий хавфсизлик тўғрисида” ги қонунлар босқичма – босқич қабул қилинди.

Фуқоро муҳофазаси борасида илк бор қабул қилинган ва кучга кирган қонун аҳолини ва ҳудудларини турли хилдаги фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш борасида асосий тушунчалар, ҳукумат ваколатлари, фуқороларни ҳуқуқ ва мажбуриятлари, ҳалокатли вазиятларни бартараф этишга қаратилган ҳаракатлари тўғрисида маълумот беради.

Вазирлар Маҳкамасининг 27 октябрь 1998 йилдаги №455 қарорига кўра Республикамиз ҳудудида қуйидаги фавқулодда вазиятлар содир бўлиши мумкин: техноген вазиятлар, табиий ҳалокатлар, экологик ҳалокатлар.

Аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишнинг асосий моҳияти қуйидагилардан иборат:

1. Фавқулодда вазиятлар олдини олиш ва аҳолини огоҳлантириш.
2. Фавқулодда вазиятлардан кўриладиган талофатларни камайтириш.

3. Фавқулодда вазиятларни енгиллатиш ва шароитни баҳолаш.

4. Фавқулодда вазиятларни тугатишни ташкил этиш.

Аҳолини фавқулодда вазиятлардан муҳофаза этишга тайёрлаш куйидаги асосий масалаларни ҳал этишни тақозо қилади:

1. Аҳолининг барча қатламлари (мактаб ўқитувчисидан тортиб қарияларгача, ҳар бир киши) яшаб, ишлаб (ўқиб) турган жойида қандай фавқулодда вазиятлар вужудга келиши мумкинлигини, уларнинг тавсифини, аҳоли ва ҳудудга таъсирини билиши керак.

2. Ҳар бир киши эҳтимоли тутилган ҳар қандай фавқулодда вазиятларда ҳаракатланиш қоидаларини билиши керак.

3. Ҳар бир киши юз бериши эҳтимоли бўлган фавқулодда вазиятлардан ҳимояланиш йўллари, усуллари ва воситаларини билиши ҳамда улардан фойдалана олишлари керак.

4. Ҳар киши (ўзига ўзи ва бир–бирига) биринчи ёрдам беришни билиши ва ёрдам бериши керак.

Фуқоро муҳофазасида муҳандислик–техникавий тадбирлари меъёрларининг талаблари куйидагиларга қаратилган бўлади: аҳолини муҳофаза қилиш, тинчлик даврида содир бўладиган фавқулодда вазиятлар зарарини камайтириш, тинчлик пайтида ва ҳарбий даврда халқ хўжалик объектлари, бирлашмалар, халқ хўжалиги тармоқларининг барқарор ишлашини таъминлаш, табиий офат содир бўлган зоналарда қутқариш ишлари амалга ошириш учун зарур шароит яратиш. Халқ хўжалиги тармоқлари ва объектларида фуқоро муҳофазаси муҳандислик техникавий тадбирларни лойиҳалаш ушбу меъёрий талабларга ҳамда вазирликлар, идоралар Давлат кўмиталари, Ўздавлатархитектурақурилиш, Макроиктисодиёт ва статистика вазирлиги Ўзбекистон Республикаси фавқулодда вазиятлар вазирлиги билан келишиб ишлаб чиқиладиган ва тасдиқланадиган меъёрий ҳужжатлар талабларига мувофиқ амалга оширилади.

Халқ хўжалиги объектларини жойлаштиришга қўйиладиган талаблардан бири шуки сув босиши мумкин бўлган ҳудудда жойлаштирмаслик керак.

Навоий туманининг “Навоий” номли массиви ҳудудида фермер хўжаликларида фавқулодда вазиятлардан сел келиши, ёнғин хавфсизлиги, зилзила бўлиш хавфлари камроқ.

в) Ёнғин хавфсизлиги

Ёнғин – махсус манбаада бўлмаган ва моддий зарар келтирувчи назоратсиз ёнишдир.

Ёнғинга қуйидагилар сабаб бўлади: иситиш печларини қуриш ёки ишлатиш қоидаларининг бузилиши, ишлаб чиқаришда ёки уйда оловни эҳтиётсизлик билан ишлатиш, керосинда ишлайдиган ёритиш ёки қиздириш асбобларини нотўғри ўрнатиш ёки улардан фойдаланиш қоидаларини бузиш, яшин ёки статик электр разрядлар, машиналар ва ишлаб чиқариш жиҳозларининг носозлиги ҳамда уларни ишлатиш қоидаларига риоя қилмаслик (ички ёнув двигателларидан чиқадиган учқунлар, электр қурилмаларидаги қисқа туташувлар ёки уларнинг ерга уланиб қолиши, электр симларида нагрузканинг йўл қўйилмайдиган даражада ортиб кетиши, контактлари ёмон бўлган жойларнинг қизиб кетиши ва улардан учқун чиқиши. Буғ қозонларининг портлаши); қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ёки ёқилғининг ўз–ўзидан ёниб кетиши.

Ёнғиннинг олдини олиш тадбирлари: ташкилий (кўнгилли ўт ўчирувчи дружиналари ёки ёнғиндан муҳофазалаш дружиналари тузиш омма орасида тушунтириш ишлари олиб бориш) техникавий тадбирларга қуйидагилар: ёнғин ёки портлаш жиҳатидан хавфли хоналарга алоҳида конструкцияли электр жиҳозлар ўрнатиш, носос печлар, машиналар, электр жиҳозлардан, шунингдек осон алангаланадиган суюқликлар сақланадиган ёки ишлатиладиган жойларда оловдан фойдаланишни таъқиқлаб қўйиш, яшин қайтаргичлар ўрнатиш, чиққан ёнғиннинг тарқалишига йўл қўймаслик чораларини кўриш (объектларни ўтга чидамли материаллардан қуриш,

бинолар орасидаги ёнғинга қарши ораликларга риоя қилиш), ёнаётган бинолардан одамлар, ҳайвонлар ва қимматбаҳо хўжалик буюмларини кўриш (керакли микдорда эшиклар, зарур кенгликда коридор (йўлак) лар қуриш, уларни тўсиб қўйишни ман этиш), ёнғинни ўчиришни осонлаштирадиган тадбирларни кўриш (ёнғинни ўчириш, нарвонлар, ёнғин кузатиш вишкалари, сув хавзалари ва биноларга келиш йўллари қуриш, ёнғин алоқаси ҳамда сигнализациясини ўрнатиш).

«Навоий» номли массиви ҳудудида фермер хўжаликларида ёнғин хавфсизлиги бўйича буғдой йиғим теримида катта тайёргарлик кўрилади. Бу ҳолатда яшин уриши натижасида ёки электр тармоғидан, инсонларнинг эътиборсизлиги натижасида донли экинларга ўт кетиш ҳолатлари, донли маҳсулотларни ташиш жараёнида транспортдан чиқадиган ўт таъсирида ёнғинлар юзага келиши мумкин. Ёнғинга Шу сабабли ҳам йиғим терим вақтида ёнғинга қарши хавфсизлик чоралари кўрилади.

г) Биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш

д) Шикастланганларга биринчи ёрдам кўрсатишдан олдин қуйидаги ишларни бажариш лозим:

–жароҳатланиш сабабларини йўқотиш (жароҳатланувчини газлар, захарлар тўлган хонадан олиб чиқиш) электр симини олиш (электр токи урганда; жароҳатланувчининг аҳволини ёмонлашадиган барча нарсаларни йўқотиш (жароҳатланувчи устидан юкни, девор парчаларини олиш, хонадан ёки ёнаётган жойдан олиб чиқиш);

–жароҳатланувчининг умумий аҳволини аниқлаш ва биринчи навбатда одам ҳаёти ва саломатлигига энг кўп хавф туғдираётган нарсани йўқотиш (артериялар кесилганда қон оқишини тўхтатиш, нафас олиш тўхтаб қолган ва юрак фаолияти бузилган бўлса, сунъий нафас олдиришни ёки юракни уқалашни бошлаш ва ҳ.к.);

– агар беморга хавф туғилмайдиган бўлса, биринчи тиббий ёрдам кўрсатишда уни қўзғатмаслик;

– хушидан кетганда ташлаб кетмаслик;

- биринчи ёрдам кўрсатиш учун жароҳатланганнинг кийимини ечишда ёки яраланган жойидаги кийимини қирқишда жуда эҳтиёт бўлиш зарур;
- жароҳатланганни авайлаш.

Тананинг бирор жойи кесилганда ёки суяклари очик синганда артериядан, венадан капилярлардан қон оқиши мумкин. Оёқ –қўллардан қон оққанда резина боғлам ёки қўлда бор нарсалардан – тасма, газлама парчаси ёки бошқалардан бурама боғлам қўйган яхши.

Қориннинг устки қисми шикастланганда одатдаги боғламни қўйиш мумкин. Қорин бўшлиғининг ичи шикастланганда бемор санитария замбилига чалқанчасига ётқизилади, тиззалари бироз букилади. Очик жароҳатларни усти стерилланган сочиқ билан ёпиб қўйилади.

Агар одам электр токи таъсирига тушиб қолган бўлса уни токли қисмдан ажратиш зарур. Бунда электр қурилмани рубильникдан учириш ёки включателдан узиш, симни қирқиб ташлаш, жабрланувчини кийимидан тортиб токли қисмлардан ажратиш, қуруқ таёқ ёрдамида симни олиб ташлаш лозим. Жабрланувчини токли қисмлардан ажратишда эҳтиёт чорасини кўриш керак, чунки ёрдам кўрсатаётган кишининг ўзини ток уриши мумкин. Жабрланувчи токдан ажратилгандан кейин бирор тўшама устига ётқизилади, кийим тугмалари, камари ечилади ва тоза ҳаводан нафас олдирилади, новшадил спирти ҳидлатилади, бетига совуқ сув сепилади

III-БОБ

НАВОИЙ МАССИВИ ҲУДУДИНИ КАДАСТР ЗОНАЛАРИГА БЎЛИШ ВА ЕР УЧАСТКАЛАРИДА КАДАСТР РАҚАМЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

3.1. Массив ҳудудидаги ердан фойдаланувчиларнинг ер участкаларига бўлган ҳуқуқларини рўйхатга олиш.

Маълумки, ер участкаларига бўлган турли-туман ҳуқуқларни рўйхатга олиш ва ҳужжатларни расмийлаштириш юридик ва жисмоний шахсларнинг мулкӣ ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, шунингдек ер ресурсларини самарали ва асосланган ҳисобини юритиш, ер участкалари билан турли ҳаракатларни амалга ошириш, солиққа тортиш ва бошқа мақсадлар учун амалга оширилади.

Ер участкаларига ҳуқуқлар вужудга келадиган, ўзгарадиган ёки тўхтатиладиган, ер участкаларига бўлган ҳуқуқлардан фойдаланадиган барча юридик ва жисмоний шахслар рўйхатга олиш субъектлари ҳисобланадилар.

Ўзбекистон Республикаси қонунларига мос ҳолда расмийлаштирилган, ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни тасдиқлайдиган, ўзгартирадиган, чеклайдиган ёки умуман тўхтатиладиган юридик ҳужжатлар рўйхат қилиш объектларидир.

Ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни рўйхатга олиш улар жойлашган ҳудуддаги ҳудудий-регионал органлар (туман ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри хизмати) томонидан амалга оширилади.

Ер участкасига юридик ёки жисмоний шахснинг ҳуқуқини бошланғич тарзда белгилашда қуйидаги ҳуқуқ турлари вужудга келади:

- умрбод меросий эгалик ҳуқуқи;
- доимий ёки муддатли фойдаланиш ҳуқуқи;
- мулк ҳуқуқи;
- ижара ҳуқуқи.

Ҳуқуқни бир субъектдан иккинчисига ўтиши, ер участкасига бўлган ҳуқуқни битта юридик ёки жисмоний шахсдан бошқасига ўтиши қуйидаги ҳолатларда содир бўлади:

- ер участкасини олди-сотди, алмашиш, совға қилиш, мерос, рента;

- бино ва иншоотларни олди-сотди, алмашиш, совға қилиш, мерос, рентаси, уй-жойни умрбод тутиб туриш учун ажратиб олиш.

Юридик ва жисмоний шахсларни ер участкаларига бўлган ҳуқуқларини қуйидаги ҳолларда бекор қилиниши ва ҳуқуқлар тўхтатилиш мумкин:

- ўз ҳоҳиши бўйича воз кечганда;
- ер участкасига бўлган фойдаланиш ёки ижара муддати тугаганда;
- юридик ёки жисмоний шахсларнинг фаолияти тўхтаганида;
- ижарага олиш шартномаси бекор қилинганда ёки бекор бўлганда;
- ер участкаси ер қонунларида назарда тутилмаган тартибда олиб қўйилганда;
- Давлат ёки жамоатчилик эҳтиёжлари учун олиб қўйилганда (сотиб олинганда).

Ер участкасига ёки бино, иншоотга кадастр рақами шакллантирилгандан сўнг уларни рўйхатга олиш амалга оширилади.

Ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатига олиш қуйидагича амалга оширилди:

- ер участкаларига бўлган мулк ҳуқуққа оид давлат ордери, олди-сотди шартномалари ва ер участкаларига мулк ҳуқуқи юзага келиши учун асос бўладиган қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳадя этилганлиги, алмаштирилганлиги тўғрисидаги битимлар ва бошқа ҳужжатлар асосида рўйхатга олинди;
- ер участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи тегишли органларнинг ер бериш тўғрисидаги қарорлари асосида рўйхатдан ўтказилди;
- ерни ижарага олиш ҳуқуқи ер участкасини ижарага олиш шартномаси асосида рўйхатдан ўтказилди;
- сервитутлар ва мулк ҳуқуқининг бошқа чекланишлари ер участкаларидан фойдаланиш шартномалари, суд қарорлари асосида рўйхатдан ўтказилади;

- ер участкасидан ўзгаларнинг ҳам қисман фойдаланиши мумкинлиги давлат ҳокимияти органларининг қарорлари ёки қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар асосида рўйхатдан ўтказилди;
- бино, иморатга ва иншоотга бўлган мулк ҳуқуқи бошқа шахсга ўтиши натижасида юзага келган ер участкасига эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқи ана шу мулкдорларнинг олди-сотдиси, алмаштирилганлиги, ҳадя этилганлиги, васият қилинганлиги тўғрисидаги тегишли шартномалар, мулкдорларнинг ёки улар томонидан вакил қилинган органлар ва шахсларнинг қарорлари, шунингдек, бинога, иморатга, иншоотга мулк ҳуқуқи ундан бошқага ўтаётган шахснинг ер участкасига тегишли ҳужжатлари (тегишли ҳокимият органларининг қарори билан расмийлаштирилганидан сўнг) асосида рўйхатдан ўтказилди.

Ер участкасига бўлган ҳуқуқни рўйхатга олиш қўйидаги тартибда амалга оширилди:

- рўйхатга олиш тўғрисидаги аризани қабул қилиш;
- ариза ва унга илова қилинган ҳужжатлар ва материалларни текшириб чиқиш;
- аризаларни қабул қилиш реестрида аризани рўйхатга олиш;
- ер участкасига бўлган ҳуқуқни рўйхатга олиш;
- ер участкасига бўлган ҳуқуқни рўйхатга олинганлиги тўғрисидаги гувоҳномани субъектга бериш.

Ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни рўйхатга олишда юридик ва жисмоний шахсларнинг аризаларига қўйдагилар илова қилинади:

- ҳуқуқни юзага келиши, бошқаларга ўтиши, чегараланиши ёки тўхтатилишини тасдиқловчи ҳужжатлар (илова);
- ер участкасини баҳолаш материаллари (тупроқ бонитировкаси, қиймат баҳоси ва бошқалар);

- белгиланган тартибда тасдиқланган ер участкасининг кадастр харитаси;
- хизмат ҳақини тўлаганлиги тўғрисидаги квитанция.
-

Аризалар ва уларга илова қилинган ҳужжатлар ҳисобини юритиш мақсадида рўйхатга олиш органлари томонидан аризалар реестри юритилади. Ушбу реестр қуйидаги жадвал кўринишида уз аксини топган ва унга аризалар қайд этилди. (10-жадвал)

10 -жадвал

**Ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни рўйхатга олишда
аризалар ва ҳужжатларни қабул қилиш реестри**

№	Аризанинг номи	Ариза ва ҳужжатлар қабул қилинган сана	Ер участкаи- нинг жойлашган манзили	Рўйхатга олиш предмети ва ҳужжат-лар номи	Хизмат ҳақини тўланган- лиги ҳақида белги	Изоҳ
1	2	3	4	5	6	7
1.	“Турсуной ая” ф/х	10.12.2012й	Қашиқадарё вилояти Ғузор тумани “Навоий” массиви	Туман ҳокими қарори №2671 01.11.2012й. Ижара шартномаси №583 05.11.2012й	Тўланди	
2.	“Абдукарим ота” ф/х	11.12.2012й	Қашиқадарё вилояти Ғузор тумани “Навоий” массив	Туман ҳокими қарори №2672 01.11.2012й. Ижара шартномаси №584 05.11.2012й	Тўланди	
3.	“Барака” ф/х	12.12.2012й	Қашиқадарё вилояти Ғузор тумани “Навоий” массив	Туман ҳокими қарори №2673 01.11.2012й. Ижара шартномаси №585 05.11.2012й	Тўланди	

Ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни рўйхатга олиш органлари аризаларни кўриб чиқишга қабул қилган кунидан бошлаб 10 кун ичида амалга оширилади. Рўйхатга олиш даврида махсус давлат регистри

юрителиди. Давлат регистри қуйидаги 11- жадвалда ўз аксини топган бўлиб, унда массивдаги фермер хўжаликларининг ер участкаларига бўлган ҳуқуқлари рўйхатдан ўтказилди.

Давлат регистрида ер участкасига бўлган ҳуқуқ рўйхатга олинганидан сўнг рўйхатга олиш органи томонидан махсус гувоҳнома тузилади (илова) ва субъектга топширилади.

Юқорида кўрсатилган тартибда ҳар бир фермер хўжалиги бўйича ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни рўйхатга олиш, зарур ҳужжатларни тўлдириш ҳамда гувоҳномани тайёрлаш ишлари бажарилади.

Қуйидаги регистрда мисол тариқасида 3 та фермер хўжалиги давлат рўйхатига олинди ва белгиланган тартибда расмийлаштирилди.

Ер участкасига бўлган ҳуқуқни давлат регистри

Ёзув №	Ер участкасининг кадастр рақами	Юридик ёки жисмоний шахснинг номи	Ер участкасининг почта рақами	Ер участкасининг ҳуқуқ тури	Ҳуқуқни белгилайдиган ҳужжатнинг номи, қачон ва ким томонидан берилган	Ер участкасининг моҳияти	Ер участкасига бўлган ҳуқуқдаги чекланишлар	Сервитутлар	Ер участкалари оғирлик марказининг координатлари	Майдон, га	___ га бўлган кадастр баҳоси	Бино ва иншоотлар тўғрисида маълумотлар	Солиқ зонаси, коэффицентлар	Мунозарали масалалар	Кадастр ҳужжатининг тартиб рақами
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	14	15	16	17
1.	11 : 13 : 04 : 01 : 06 : 0002	Турсуной ая ф/х	Ғузор тумани	Ижара	Ижара шартномаси №583 05.11.2012й	Қишлоқ хўжалиги	49 йил	-	X=5961 Y=2145	102,8	56 балл		1,00	-	№00245
2.	11 : 13 : 04 : 01 : 06 : 0001	Абдукарим ота” ф/х	Ғузор тумани	Ижара	Ижара шартномаси №584 05.11.2012й	Қишлоқ хўжалиги	49 йил	-	X=5574 Y=2495	78,5	60 балл		1,00	-	№00246
3.	11 : 13 : 04 : 01 : 06 : 0005	“Барака” ф/х	Ғузор тумани	Ижара	Ижара шартномаси №585 05.11.2012й	Қишлоқ хўжалиги	49 йил	-	X=5263 Y=2685	93,9	42 балл	-	0,85	-	№00247

А. Асосий рўйхат

Рўйхатга олишни амалга оширган шахснинг имзоси _____

В. Жорий рўйхат

Рўйхатга олишни амалга оширган шахснинг имзоси _____

3.2 “Навоий” массиви ҳудудидаги ер участкаларида кадастр рақамларини шакллантириш

Ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни рўйхатга олишдан олдин уларга кадастр рақами берилади.

Кадастр рақами - ер участкаси, бино-иншоотга тегишли Ўзбекистон Республикаси ҳудудида такрорланмайдиган рақам бўлиб, у қонун ҳужжатлари билан белгиланган тартибда уни шакллантиришда берилади ва у рўйхатдан ўтказилган ҳуқуқнинг ягона объекти сифатида мавжуд бўлгунига қадар сақланиб қолади.

Республикаси ҳудудларини кадастр бўйича бўлиш тартиби ва принциплари қуйидагилардан иборат:

Кадастр бўйича бўлиш – бу Ўзбекистон Республикаси ҳудудини мазкур Йўриқномада белгиланган тартибда картографик материалларда (хариталарда, планларда, схемаларда) кадастр бирликларига (зоналар, массивлар, мавзеларга) бўлишдир.

Бунда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Қашқадарё шаҳрига (кейинги ўринларда “ҳудудлар” деб аталади) ҳамда туманларга, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда вилоятларга бўйсунувчи шаҳарларга (кейинги ўринларда – “туманлар (шаҳарлар)” деб аталади) кодлар берилади ва туманларнинг (шаҳарларнинг) ҳудудлари зоналар, массивлар ва мавзеларга бўлинади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудларини кадастр бўйича бўлиш ер участкалари, бинолар ва иншоотларни ҳисобга олишнинг ягона тизимини яратиш ҳамда ер участкалари, бинолар ва иншоотларга кадастр рақамлари бериш мақсадида амалга оширилади.

Кадастр бўйича бўлиш ва ер участкалари, бинолар ва иншоотларга кадастр рақами бериш тизими уларни ҳисобга олишнинг ягона тизимида ҳар қандай ер участкаларини, бинолар ва иншоотларни бир хилда идентификациялашни таъминлаши мақсадида амалга оширилади.

Кадастр бўйича бўлиш ишлари республиканинг ҳар бир туманида (шаҳрида) ташкил этилади.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Қашқадарё шаҳри, туманлар (шаҳарлар), кадастр зоналари (бир нечта кадастр массивларининг бирлашмаси), кадастр массивлари (бир нечта кадастр мавзеларининг бирлашмаси), кадастр мавзелари (бир нечта ер участкаларининг бирлашмаси), ер участкалари Ўзбекистон Республикаси ҳудудларини кадастр бўйича бўлиш бирликлари ҳисобланади.

Айрим ҳолатларда туман ва шаҳар ҳудудининг хусусиятларига, ер участкаларининг сонига, катта-кичиклигига қараб, айрим зоналар битта массивдан (массивга 01 коди берилади), айрим массивлар битта мавзедан (мавзегга 01 коди берилади) ва айрим мавзелар битта ер участкасидан (ер участкасига 0001 коди берилади) ташкил топган бўлиши мумкин.

Маъмурий туман (шаҳар) ҳудуди кадастр зоналарига бўлинади.

Зоналар туман (шаҳар) ҳудудини кадастр бўйича бўлиш бирлиги бўлиб, маъмурий туман ҳудудини бўлишда кадастр зоналари сифатида қишлоқлар, овуллар ва туманга бўйсунувчи шаҳарлар (шаҳарчалар) ҳудудлари қабул қилинади.

Қорақалпоғистон Республикасига ҳамда вилоятларга бўйсунувчи шаҳарлар ҳудудини бўлишда кадастр зоналари сифатида шаҳар туманлари (мавжуд бўлса) ёки турли (табiiй, шаҳарсозлик ҳудудий зоналари ва бошқа хусусиятлари) белгилари бўйича ажралиб турадиган шаҳарлар қисмлари, масалан: саноат зонаси, турар жой массивлари, истироҳат боғлари, дам олиш зоналари ва шу кабилар, қабул қилинади.

Кадастр зоналари чегаралари табiiй ва сунъий объектлар (дарёлар, темир йўллар, магистраль каналлар, коллекторлар, бошқа мунтазам объектлар) бўйлаб ўтиши керак.

Кадастр зонаси ўз навбатида кадастр массивларига бўлинади.

Кадастр массивлари кадастр зонасининг шартли равишда бўлинган кадастр бўйича бўлиш бирлиги бўлиб, қишлоқ жойларида кадастр массиви сифатида

қишлоқ аҳоли пунктлари, табиий ва суғориш шароитлари билан ажралиб турадиган қишлоқ хўжалиги ва бошқа мақсадлардаги ерлар қабул қилинади.

Туманга бўйсунувчи шаҳарларда (шаҳарчаларда) кадастр массивлари сифатида маҳалла ҳудуди ёки шаҳар ва шаҳарчаларнинг айрим қисмлари қабул қилинади. Бунда кадастр массивлари чегараси кўчалар, бошқа иншоотлар бўйлаб қабул қилинади ва кадастр зоналарининг ташқи чегаралари бўйлаб ўтиши ва аҳоли пунктларининг кўчалари ёки ташқи чегаралари билан мос келиши керак.

Кадастр массиви кадастр мавзеларига бўлинади.

Кадастр мавзелари шартли равишда бўлинган кадастр бўйича бўлиш бирлиги бўлиб, қишлоқ жойларида кадастр мавзеси сифатида ҳар хил суғориш шаҳобчаларидан суғориладиган қишлоқ хўжалиги ва бошқа мақсадлардаги ерлар, боғдорчилик-узумчилик ширкатлари ҳудуди қабул қилинади. Уларнинг чегаралари каналлар, коллекторлар, йўллар бўйича ўтказилади.

Шаҳар ва шаҳарчаларда кадастр мавзеси сифатида шаҳар ва шаҳарчаларнинг бош режалари, мавжуд узун объектлар (кўчалар, йўллар, дарёлар, каналлар ва бошқалар), бошқа табиий объектлар чегараси ҳисобга олинган ҳолда ҳар хил белгилар (табиий, иморатнинг қурилиши хусусияти, фойдаланиш мақсади ва ҳоказолар) бўйича ажралиб турадиган ер участкаларининг жами қабул қилинади.

Кадастр мавзеларининг ҳудудини шундай шакллантириш керакки, уларда ер участкаларининг сони тўрт разрядли ўнли сондан (яъни 9999 дан) ортмаслиги зарур. Амалда шундай ҳолат юз берса, ушбу кадастр мавзеси иккига бўлиниши керак.

Кадастр бўйича бўлишнинг бирламчи бирлиги бўлиб, белгиланган тартибда шакллантирилган ер участкаси ҳисобланади.

Аҳоли пунктларининг муайян юридик ва жисмоний шахсларга бириктирилмаган умумий фойдаланиладиган ерларига (кўчалар, майдонлар, кўкаламзорлар ва шу кабиларга) тумандаги захира ерларига ҳам кадастр

рақами берилади (*хат бошиси қўмитанинг 2010 й. 12 .10.2010 й. 104-сонли буйруғи таҳририда*)

Худудларни кадастр бўйича бўлиш Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Қашқадарё шаҳар ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармалари томонидан ташкил этилади ва таъминланади.

Қуйидаги ер участкаси, бино-иншоот кадастр рақамининг мажбурий элементларини ташкил қилади:

- минтақа (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Қашқадарё шаҳри)нинг рақами;
- минтақа таркибидаги маъмурий туман ёки вилоят бўйсинувидаги шаҳарнинг рақами;
- кадастр зонаси рақами;
- кадастр мавзеси рақами;
- ер участкасининг рақами;
- бино-иншоотнинг рақами;
- бино-иншоот бир қисмининг рақами;

Кадастр рақами қуйидаги тузилмага эга:

AA : BB : CC : DD : EE : FFFF : GGGG : NNN

Бунда: **AA** - минтақанинг рақамини билдирувчи икки разрядли унли сон;

BB - минтақа таркибидаги маъмурий-худудий тузилманинг рақамини билдирувчи икки разрядли унли сон;

CC - кадастр зонаси рақамини билдирувчи икки разрядли унли сон;

DD - кадастр зонаси доирасида кадастр массивининг рақамини билдирувчи икки разрядли унли сон;

EE - кадастр массиви доирасида кадастр мавзесининг рақамини билдирувчи икки разрядли унли сон;

FFFF - кадастр мавзеси доирасида ер участкасининг рақамини билдирувчи тўрт разрядли унли сон;

GGGG - ер участкаси доирасида бино, иншоотнинг рақамини билдирувчи тўрт разрядли унли сон;

ННН - бино, иншоотлар бир қисми рақамини билдирувчи уч разрядли унли сон;

Минтақалар, маъмурий туманлар, вилоят бўйсунувидаги шаҳарларнинг тасдиқланган кадастр рақамлари (кодлари) 1-иловада келтирилади.

Кадастр зоналари, массивлари ва мавзеларини кадастр бўйича бўлиш ва шакллантириш вақтида уларнинг чегаралари, одатда шаҳарлар, шаҳар туманлари, қишлоқларнинг маъмурий чегаралари тўғри келади. Кейинчалик, маъмурий чегаралар ўзгарганда, кадастр бўйича бўлиниш схемасига тегишли ўзгартиришлар киритилади.

Ер участкасининг кадастр рақамини шакллантириш ер участкаси кўчмас мулк объекти сифатида шакллантирилган ва унинг чегаралари туман (шаҳар) навбатчи кадастр харитасига киритилганидан кейин бошланади.

Кадастр рақамларини шакллантириш Қашқадарё вилояти Ғузор туманидаги “Ғузор” массиви ҳудудидаги ер участкаси мисолида бажарилди. Агар ер участкаси ҳудудида бино ва иншоот мавжуд бўлса унга ҳам кадастр рақами берилади:

бу ерда: **18** - минтақанинг рақами (Қашқадарё вилояти);

14 –Ғузор туманининг рақами;

11 - кадастр зонасининг рақами;

03 - кадастр массивининг рақами;

02 - кадастр мавзесининг рақами;

0012 - кадастр мавзеси чегарасидаги ер участкасининг рақами;

18:14:11:03:02:0012- Зафар Муйсинович фермер хўжалиги ер участкаси кадастр рақами

Ер участкаларига кадастр рақамлари бериш ер участкаларига бўлган ҳуқуқлар давлат рўйхатидан шаҳар ва шаҳарчаларда ўтказилган ҳолларда- кўчмас мулк кадастри хизматлари томонидан, Ўзбекистон Республикасининг

колган ҳудудлари бўйича ер ресурслари туман хизматлари томонидан амалга оширилади.

Юқорида келтирилган тартибда “Ўзбекистон” массиви ҳудудида жойлашган ердан фойдаланувчи субъектларнинг ер участкаларига кадастр рақамлари берилди ва бу рақамлар кадастр рақамларини ҳисобга олиб журнали шаклидаги қуйидаги жадвалида қайд қилинди (12, 13-жадваллар).

12-жадвал

Массивнинг кадастр мавзеларига бўлиниш жадвали

№	Кадастр мавзеси	Кадастр рақами
1	Аҳоли пункти	18:14:11:03:01
2	Аҳоли пункти	18:14:11:03:02
3	Аҳоли пункти	18:14:11:03:03
4	Қишлоқ хўжалик ерлари	18:14:11:03:04
5	Қишлоқ хўжалик ерлари	18:14:11:03:05
6	Қишлоқ хўжалик ерлари	18:14:11:03:06
7	Қишлоқ хўжалик ерлари	18:14:11:03:07

13-жадвал

Кадастр рақамларини ҳисобга олиш журнали

Ер участкасининг рақами	Бино, иншоотнинг рақами	Бино, иншоот бир қисмининг рақами	Ер участкасининг жойлашган ўрни ёки почта манзили	Ер участкаси, бино, иншоот эгасининг исми-шарифи	Кадастр зонасининг навбатчи харитаси варағининг номенкулатура си	Ер участкасига бўлган ҳуқуқларни давлат реестридаги ёзуви ва том, варақлар рақами	Кадастр рақамини берилган санаси, рўйхатга олувчининг фамилияси, исми, имзоси
1	2	3		4	5	6	7
18:14:11:03:02:0012	-	-	Қашқадарё вилояти Ғузор тумани	Зафар Муйсинович ф/х	К-42-37-А-в-1	I-том, 61-бет	16.03.2014й Дехконов Ж.

			Навоий ҚФЙ				
18:14:11:03: 02:0002	-	-	Қашқадарё вилояти Ғузор тумани Навоий ҚФЙ	Абдуразз ок файз барака ф/х	К-42-37- А-в-2	I-том, 61-бет	16.03.2014й Дехконов Ж.
18:14:11:03: 02:0003	-	-	Қашқадарё вилояти Ғузор тумани Навоий ҚФЙ	Болтабое в Холмат ф/х	К-42-37- А-в-3	I-том, 61-бет	16.03.2014й Дехконов Ж.
18:14:11:03: 02:0004	-	-	Қашқадарё вилояти Ғузор тумани Навоий ҚФЙ	Абдуразз ок файз барака ф/х	К-42-37- А-в-4	I-том, 61-бет	16.03.2014й Дехконов Ж.
18:14:11:03: 02:0005	-	-	Қашқадарё вилояти Ғузор тумани Навоий ҚФЙ	Квартет ВТСЖ хусусий корхонас и	К-42-37- А-в-5	I-том, 61-бет	16.03.2014й Дехконов Ж.
18:14:11:03: 0205:0001			Қашқадарё вилояти Ғузор тумани Навоий ҚФЙ	КРЮ ф/х	К-42-37- А-в-6	I-том, 61-бет	16.03.2014й Дехконов Ж.
18:14:11:03: 0205:0002			Қашқадарё вилояти Ғузор тумани Навоий ҚФЙ	Ғузор Тоҳир файз	К-42-37- А-в-7	I-том, 61-бет	16.03.2014й Дехконов Ж.
18:14:11:03: 0206:0001			Қашқадарё вилояти Ғузор тумани Навоий ҚФЙ	Абдукар им ота ф/х	К-42-37- А-в-8	I-том, 61-бет	16.03.2014й Дехконов Ж.
18:14:11:03: 0206:0002			Қашқадарё вилояти Ғузор тумани Навоий ҚФЙ	Турсуно й ая ф/х	К-42-37- А-в-9	I-том, 61-бет	16.03.2014й Дехконов Ж.

18:14:11:03: 0206:0003			Қашқадарё вилояти Ғузор тумани Навоий ҚФЙ	Куюнбой ота ф/х	К-42-37- А-в-10	I-том, 61-бет	16.03.2014й Дехконов Ж.
18:14:11:03: 0206:0004			Қашқадарё вилояти Ғузор тумани Навоий ҚФЙ	Салим Мавлон барака ф/х	К-42-37- А-в-11	I-том, 61-бет	16.03.2014й Дехконов Ж.
18:14:11:03: 0206:0005			Қашқадарё вилояти Ғузор тумани Навоий ҚФЙ	Барака ф/х	К-42-37- А-в-12	I-том, 61-бет	16.03.2014й Дехконов Ж.
18:14:11:03: 0206:0006			Қашқадарё вилояти Ғузор тумани Навоий ҚФЙ	Агро хумоюн файз ф/х	К-42-37- А-в-13	I-том, 61-бет	16.03.2014й Дехконов Ж.
18:14:11:03: 0206:0007			Қашқадарё вилояти Ғузор тумани Навоий ҚФЙ	Ғузор Тохир файз ф/х 2-уч	К-42-37- А-в-13	I-том, 61-бет	16.03.2014й Дехконов Ж.
18:14:11:03: 0207:0001			Қашқадарё вилояти Ғузор тумани Навоий ҚФЙ	Амир чорвадор ф/х	К-42-37- А-в-14	I-том, 61-бет	16.03.2014й Дехконов Ж.
18:14:11:03: 02:07:0002			Қашқадарё вилояти Ғузор тумани Навоий ҚФЙ	Ғузор Тохир файз ф/х 3-уч	К-42-37- А-в-15	I-том, 61-бет	16.03.2014й Дехконов Ж.
18:14:11:03: 0207:0003			Қашқадарё вилояти Ғузор тумани Навоий ҚФЙ	Амир чорвадор ф/х 2-уч	К-42-37- А-в-16	I-том, 61-бет	16.03.2014й Дехконов Ж.

Кадастр рақамларини шакллантириш массив ҳудудида фаолият кўрсатаётган фермер хўжаликлари ер участкаларида бажарилди. Бу ишлар натижасида 17 та фермер хўжаликларига республикамиз ҳудудида такрорланмайдиган кадастр рақамлари берилди.

3.3. “Навоий” массиви ерларини рўйхатга олиш ва кадастр рақамларини шакллантириш харитасини тузиш

Ер кадастри ишларини муваффақиятли юритиш ўз навбатида ерларнинг ҳуқуқий, хўжалик ҳамда табиий ҳолатлари тўғрисидаги маълумотларни талаб қилади. Бу эса ер кадастрининг ҳар бир таркибий қисми учун уларга мос келадиган кўрсаткичларни аниқлаш заруриятини туғдиради. Ер кадастрининг умумий тавсифидан кўринадик, уни юритиш учун, ер майдонлари кимнинг мулклигида, эгалигида ёки фойдаланишида, улар қандай муддатларга берилган, ҳар бир ер эгалиги, ердан фойдаланувчи ёки ер мулкдори ерларининг майдонлари қанча, ер турларининг таркиби ва майдонлари, ерларнинг сифати, ҳолати, ҳамда қиймат баҳолари қандайлиги тўғрисидаги жуда кўп сонли маълумотларни билиш талаб қилинади. Ҳар бир таркибий қисм бўйича бундай кўрсаткичларнинг нисбатлари турличадир. Масалан, ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни рўйхатга олиш, ерларни миқдорий жиҳатдан ҳисобга олишда ер кадастри маълумотлари ер участкасига ҳуқуқ тури, бириктирилган майдоннинг миқдори, фойдаланиш муддатлари, ер турлари бўйича ҳудудни бўлиниши ва ерларнинг мелиоратив ҳолатлари тўғрисидаги маълумотлар билан чегараланади.

Ер кадастри маълумотларининг аниқлиги, одатда, ернинг ҳуқуқий, табиий ва хўжалик ҳолати бўйича ер кадастри маълумотларини олиш усулларига боғлиқ. Бундай маълумотлар план-картографик материалларда ҳамда матн ҳужжатларида ёритилади.

План – картографик материаллар, одатда, ер устида тасвирга олиш, аэрофототасвирга олиш ҳамда фазодан тасвирга олиш ишлари натижасида олинади. План-картографик материаллар ер кадастрининг асосий талабини -ер

кадастри маълумотларининг зарурий аниқлигини таъминлаши зарур. Бу эса, ўз навбатида хаританинг масштабига боғлиқдир.

Масштабни танлаш контурларнинг ўлчамларига, ердан фойдаланиш характериға ҳамда хўжалик юритишнинг жадаллашганлик даражасига қараб амалга оширилади. Майда контурлилик шаротида 1:10000 масштабда тайёрланган план-картографик материаллар ер кадастри учун мақсадга мувофиқ бўлади. Чўл ҳудудларида, яъни ер массивлари йирик контурлардан иборат бўлган жойлар учун 1:25000 масштаби план-картографик материаллардан фойдаланиш мумкин. Суғориладиган минтақаларда ҳамда ер турлари таркибида кўп йиллик дарахтзорларнинг миқдори кўп бўлган массивлар учун 1:10000 ёки 1:5000 масштаби план-картографик материаллардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Шаҳарларда, шаҳар типигаги посёлкаларда ва қишлоқ аҳоли пунктларида ер кадастрини юритиш одатда 1:2000 масштаби план-картографик материаллар зарур.

Ерларни рўйхатга олишда ва кадастр рақамларини шакллантиришда картографик материалларни тўғри расмийлаштириш муҳим аҳамиятга эга. Кадастр рақамларини шакллантириш харитасида массив ҳудуди кадастр массивига, кадастр мавзесига ва ер участкаси чегарасига ажратилган ҳолда тузилади. Хар бир ер участкаларига белгиланган тартибда кадастр рақамлари берилади.

Туман, шаҳар ва шаҳарчаларнинг ҳудудларини кадастр бўйича бўлиш картографик материалларда (хариталар, планлар ёки схемаларда) амалга оширилади.

Туман, шаҳар ва шаҳарчаларнинг ҳудудларини кадастр бўйича бўлиш учун ҳар қандай қўлай масштабда мавжуд туман қишлоқ хўжалиги хариталари ва топографик хариталар асосида туман, шаҳар ва шаҳарчаларнинг махсус хариталари ва планлари тайёрланади.

Шаҳар ва шаҳарчаларнинг топографик хариталари бўлмаган тақдирда, уларнинг махсус схемалари тайёрланади. Ушбу схемаларда зоналарнинг, массивларнинг ва мавзеларнинг чегаралари ўтадиган топографик элементлар

(кўчалар, йўллар, каналлар, ариқлар, коллекторлар, зовурлар ва ҳ.қ.) аниқ туширилган бўлиши зарур.

Ҳудудларни кадастр бўйича бўлиш хариталари, планлари, схемаларининг масштаби ҳар қандай мавжуд ёки янги ташкил бўладиган ер участкасининг қайси мавзе ҳудудига киришини аниқ белгилаш имконини яратиши керак.

Туман ва шаҳарлар ҳудудининг катта-кичиклигига қараб, зона ёки массив бўйича алоҳида хариталар ёки планлар тайёрланиши мумкин.

Ҳудудларни кадастр бўйича бўлиш хариталарида, планларида, схемаларида зоналарнинг, массивларнинг ва мавзеларнинг чегаралари ва кодлари алоҳида рангларда кўрсатилади.

Ҳудудларни кадастр бўйича бўлиш хариталари, планлари, схемалари уларни тузувчи мутахассис ҳамда туман (шаҳар) ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи томонидан имзоланади ва туман (шаҳар) ҳокимининг қарори билан тасдиқланади.

Хулоса

Битирув малакавий ишини бажаришда ҳозирги кунда долзарб масалалардан бири бўлган ерлардан оқилона ва самарали фойдаланиш, ер муносабатларини шакллантириш, ерларда қонунийликни мустаҳкамлаш, мулкдорлар синфини шакллантириш, ижара муносабатларини ривожлантиришда ер кадастрини юритиш масалаларига эътибор қаратилди. Битирув малакавий ишининг объекти сифатида танланган Қашқадарё вилояти Ғузор тумани “Навоий” массиви мисолида ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни рўйхатга олиш ва кадастр рақамларини шакллантириш ишлари бажарилди.

Қўйилган мақсад ва вазифаларни амалга ошириш мақсадида “Ғузор” массивининг табиий шароитлари ва ерлардан фойдаланиш ҳолати тўғрисидаги маълумотлар ўрганиб чиқилди ва таҳлил қилинди.

Республикамизда ер муносабатларини тартибга солиш бўйича қабул қилинган қонунлар, фармонлари ва ер кадастрини юритишга оид меъёрий ҳужжатлар асосида “Навоий” массивидаги 12 та фермер хўжалигининг ер участкалари мисолида кадастр рақамларини шакллантириш ва ер участкаларига бўлган ҳуқуқларини рўйхатга олиш ишлари бажарилди.

Массивда ўтказилган ер участкаларини рўйхатга олиш ва кадастр рақамларини шакллантириш ер билан боғлиқ ҳуқуқий ва иқтисодий масалаларни ҳал қилишда, қишлоқ хўжалик иқтисодиётининг ривожланишида катта амалий аҳамиятга эгадир.

Шундай қилиб, битирув малакавий ишини бажариш жараёнида ер кадастри ишларини, жумладан ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни рўйхатга олиш ва кадастр рақамларини шакллантириш ва унинг маълумотлари асосида ерлардан оқилона ва самарали фойдаланиш, ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш, ерларда мулкчилик шакллари ривожлантириш ва уларнинг ҳуқуқларини давлат томонидан қафолатлаш ҳамда ҳимоя қилиш бўйича амалий кўникмаларга эга бўлдим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т.:Ўзбекистон, 1999
2. Ўзбекистон Республикасининг «Ер кодекси». Т.:Адолат, 2010
3. Ўзбекистон Республикасининг «Давлат ер кадастри тўғрисида»ги қонуни. Т.:Адолат, 2010
4. Ўзбекистон Республикасининг «Давлат кадастрлари тўғрисида»ги қонуни. Т.:Адолат, 2010
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 26 ноябрдаги 496 –сонли қарори «Ўзбекистон Республикасида давлат кадастрларининг ягона тизимини яратиш тўғрисида». Т.: 1996
6. Каримов И.А. “Ўзбекистон буюк келажак сари”. Т.: Ўзбекистон, 1998
7. Каримов И.А. “Ўзбекистон иқтисодий ислохатларни чуқурлаштириш йўлида”. Т.: Шарқ, 1995.
8. Каримов И. “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари”. Т.: «Ўзбекистон» НМИУ, 2009
9. Каримов И.А. «Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида» Т.: «Ўзбекистон» НМИУ, 2011
10. Бобожонов А.Р., Раҳмонов Қ.Р., Гофиров А.Ж. «Ер кадастри». Т.:ТИМИ, 2008
11. Бобожонов А.Р., Рузибоев С.Б. «Аҳоли яшаш жойлари кадастри» Ўқув қўлланма. Т.Тафаккур, 2011
12. Артеменко В.В. и др. «Кадастр земель населённых пунктов». М.:Колос, 1997
13. Толипов Ғ.А. ва бошқ. «Ўзбекистон Республикаси ер кадастри». Т.:Агроинформ, 1994
14. Авезьбаев С., Волков С.Н. «Ер тузишни лойиҳалаш». Дарслик. Т.: Янги аср авлоди, 2004
15. Авезьбаев С., Волков С.Н. «Ер тузиш иқтисоди». Дарслик. Т.: Янги аср авлоди, 2002
16. Авезьбаев С., Волков С.Н. «Ер тузишнинг илмий асослари». Дарслик. Т.: Янги аср авлоди, 2002

17. Нигматов А.Н. «Ер ҳуқуқи». Т.: Ислон университети, 2001
18. Ер ҳуқуқи. / М.Ҳ. Рустамбоев таҳрири остида. Дарслик. Т.: Қашқадарё юридик институти, 2002.
19. «Ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни рўйхатга олиш. Қишлоқ хўжалик корхоналарида ер ҳисоби» мавзусидаги босқич ишини бажаришга услубий кўрсатмалар. Туз. Бобожонов А.Р., Рузибоев С.. Т.: ТИМИ, 2008.
20. Қудратов О., Ғаниев Т. Фавқулодда вазиятларда фуқоро муҳофазаси. Т.:Янги аср авлоди, 2005
21. Ғойипов Ҳ.Э. Меҳнат муҳофазаси. Т.:Меҳнат, 2000
22. Юнусов М.Ю., Икромов Э.Ж. Фуқоро муҳофазаси доимий зарурият. Ўқув қўлланма. Т.: 2002
23. Ўзбекистон Республикаси ер ресурсларининг ҳолати тўғрисида Миллий ҳисобот. Т.: «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси, 2012
24. “Ер тузиш ва ер кадастри” таълим йўналиши бўйича битирув малакавий ишини бажариш учун услубий қўлланма. Тузувчилар: Авезьбаев С., Муқимов А., Ғофиров А. Т.ТИМИ, 2010
25. Ўзбекистон Республикаси ҳудудларини кадастр бўйича бўлиш ҳамда ер участкалари, бинолар ва иншоотларнинг кадастр рақамларини шакллантириш тартиби тўғрисида ЙЎРИҚНОМА. Қашқадарё, “Ергеодезкадастр” давлат қўмитаси, 2010. 22 бет, ИНҲ-18-010-10.
26. Интернет маълумотлари:
www.prom.kz
www.18.rosfirm.ru

ИЛОВАЛАР

**Ўзбекистон Республикаси ҳудудларини кадастр бўйича бўлиш
ҳамда ер участкалари, бинолар ва иншоотларнинг
кадастр рақамларини шакллантириш тартиби тўғрисида
ЙЎРИҚНОМА**

*(Юриқномага қўмитанинг 2010 й. 12.10.2010 й. 104-сонли буйруғи билан ўзгартишлар
киритилди)*

Мазкур Йўриқнома Ўзбекистон Республикасининг “Ер кадастри тўғрисида”ги Қонунига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 2 июндаги “Ўзбекистон Республикасида бинолар ва иншоотлар давлат кадастрини юритиш тўғрисида”ги 278-сонли, 2001 йил 31 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасида давлат ер кадастрини юритиш тўғрисида”ги 543-сонли, 2001 йил 31 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси ҳудудларини кадастр бўйича бўлиш ҳамда ер участкалари, бинолар ва иншоотларнинг кадастр рақамларини шакллантириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 492-сонли қарорларига мувофиқ ҳудудларни кадастр бўйича бўлиш ва ер участкаларига, бинолар ва иншоотларга кадастр рақамларини шакллантириш ва бериш тартибини белгилайди.

I. Умумий қоидалар

1. Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудларидаги ер участкалари, бинолар ва иншоотларга, уларнинг турларидан қатъи назар, кадастр рақамлари берилади.

2. Кадастр рақамларини бериш ва ҳисобга олиш ер участкаларига, бинолар ва иншоотларга бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатига олиш, давлат ер кадастрини ҳамда бинолар ва иншоотлар давлат кадастрини яратиш ва юритиш ишларининг зарурий шартларидан ҳисобланади.

II. Ўзбекистон Республикаси ҳудудларини кадастр бўйича бўлиш тартиби ва принциплари

3. Кадастр бўйича бўлиш — бу Ўзбекистон Республикаси ҳудудини мазкур Йўриқномада белгиланган тартибда картографик материалларда (хариталарда, планларда, схемаларда) кадастр бирликларига (зоналар, массивлар, мавзеларга) бўлишдир.

Бунда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Қашқадарё шаҳрига (кейинги ўринларда “ҳудудлар” деб аталади) ҳамда туманларга, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда вилоятларга бўйсунувчи шаҳарларга (кейинги ўринларда — “туманлар (шаҳарлар)” деб аталади) кодлар берилади ва туманларнинг (шаҳарларнинг) ҳудудлари зоналар, массивлар ва мавзеларга бўлинади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудларини кадастр бўйича бўлиш ер участкалари, бинолар ва иншоотларни ҳисобга олишнинг ягона тизимини яратиш ҳамда ер участкалари, бинолар ва иншоотларга кадастр рақамлари бериш мақсадида амалга оширилади.

Кадастр бўйича бўлиш ва ер участкалари, бинолар ва иншоотларга кадастр рақами бериш тизими уларни ҳисобга олишнинг ягона тизимида ҳар қандай ер участкаларини, бинолар ва иншоотларни бир хилда идентификациялашни таъминлаши мақсадида амалга оширилади.

4. Кадастр бўйича бўлиш ишлари республиканинг ҳар бир туманида (шаҳрида) ташкил этилади.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Қашқадарё шаҳри, туманлар (шаҳарлар), кадастр зоналари (бир нечта кадастр массивларининг бирлашмаси), кадастр массивлари (бир нечта кадастр мавзеларининг бирлашмаси), кадастр мавзелари (бир нечта ер участкаларининг бирлашмаси), ер участкалари Ўзбекистон Республикаси ҳудудларини кадастр бўйича бўлиш бирликлари ҳисобланади.

Айрим ҳолатларда туман ва шаҳар ҳудудининг хусусиятларига, ер участкаларининг сонига, катта-кичиклигига қараб, айрим зоналар битта массивдан (массивга 01 коди берилади), айрим массивлар битта мавзедан (мавзегга 01 коди берилади) ва айрим мавзелар битта ер участкасидан (ер участкасига 0001 коди берилади) ташкил топган бўлиши мумкин.

5. Маъмурий туман (шаҳар) ҳудуди кадастр зоналарига бўлинади.

Зоналар туман (шаҳар) ҳудудини кадастр бўйича бўлиш бирлиги бўлиб, маъмурий туман ҳудудини бўлишда кадастр зоналари сифатида қишлоқлар, овуллар ва туманга бўйсунувчи шаҳарлар (шаҳарчалар) ҳудудлари қабул қилинади.

Қорақалпоғистон Республикасига ҳамда вилоятларга бўйсунувчи шаҳарлар ҳудудини бўлишда кадастр зоналари сифатида шаҳар туманлари (мавжуд бўлса) ёки турли (табiiй, шаҳарсозлик ҳудудий зоналари ва бошқа хусусиятлари) белгилари бўйича ажралиб турадиган шаҳарлар қисмлари, масалан: саноат зонаси, турар жой массивлари, истироҳат боғлари, дам олиш зоналари ва шу кабилар, қабул қилинади.

Кадастр зоналари чегаралари табiiй ва сунъий объектлар (дарёлар, темир йўллар, магистраль каналлар, коллекторлар, бошқа мунтазам объектлар) бўйлаб ўтиши керак.

6. Кадастр зонаси ўз навбатида кадастр массивларига бўлинади.

Кадастр массивлари кадастр зонасининг шартли равишда бўлинган кадастр бўйича бўлиш бирлиги бўлиб, қишлоқ жойларида кадастр массиви сифатида қишлоқ аҳоли пунктлари, табiiй ва суғориш шароитлари билан ажралиб турадиган қишлоқ хўжалиги ва бошқа мақсадлардаги ерлар қабул қилинади.

Туманга бўйсунувчи шаҳарларда (шаҳарчаларда) кадастр массивлари сифатида маҳалла ҳудуди ёки шаҳар ва шаҳарчаларнинг айрим қисмлари қабул қилинади. Бунда кадастр массивлари чегараси кўчалар, бошқа иншоотлар бўйлаб қабул қилинади ва кадастр

зоналарининг ташқи чегаралари бўйлаб ўтиши ва аҳоли пунктларининг кўчалари ёки ташқи чегаралари билан мос келиши керак.

7. Кадастр массиви кадастр мавзеларига бўлинади.

Кадастр мавзелари шартли равишда бўлинган кадастр бўйича бўлиш бирлиги бўлиб, қишлоқ жойларида кадастр мавзеси сифатида ҳар хил суғориш шаҳобчаларидан суғориладиган қишлоқ хўжалиги ва бошқа мақсадлардаги ерлар, боғдорчилик-узумчилик ширкатлари ҳудуди қабул қилинади. Уларнинг чегаралари каналлар, коллекторлар, йўллар бўйича ўтказилади.

Шаҳар ва шаҳарчаларда кадастр мавзеси сифатида шаҳар ва шаҳарчаларнинг бош режалари, мавжуд узун объектлар (кўчалар, йўллар, дарёлар, каналлар ва бошқалар), бошқа табиий объектлар чегараси ҳисобга олинган ҳолда ҳар хил белгилар (табиий, иморатнинг қурилиши хусусияти, фойдаланиш мақсади ва ҳоказолар) бўйича ажралиб турадиган ер участкаларининг жами қабул қилинади.

Кадастр мавзеларининг ҳудудини шундай шакллантириш керакки, уларда ер участкаларининг сони тўрт разрядли ўнли сондан (яъни 9999 дан) ортмаслиги зарур. Амалда шундай ҳолат юз берса, ушбу кадастр мавзеси иккига бўлиниши керак.

Ҳудудларни кадастр бўйича бўлиш 1-иловадаги схемага мувофиқ амалга оширилади.

8. Кадастр бўйича бўлишнинг бирламчи бирлиги бўлиб, белгиланган тартибда шакллантирилган ер участкаси ҳисобланади.

Аҳоли пунктларининг муайян юридик ва жисмоний шахсларга бириктирилмаган умумий фойдаланиладиган ерларига (кўчалар, майдонлар, кўкаламзорлар ва шу кабиларга) тумандаги захира ерларига ҳам кадастр рақами берилади *(хат бошиси қўмитанинг 2010 й. 12.10.2010 й. 104-сонли буйруғи таҳририда)*

9. Ҳудудларни кадастр бўйича бўлиш Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Қашқадарё шаҳар ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармалари томонидан мазкур Йўриқномага мувофиқ ташкил этилади ва таъминланади.

III. Ер участкалари, бинолар ва иншоотларнинг кадастр рақамини шакллантириш ва бериш тартиби

10. Ер участкалари, бинолар ва иншоотларни Ўзбекистон Республикасида идентификациялаш тизими ягона принцип бўйича яратилади, унга ер участкасининг кадастр рақами асос қилиб олинади.

Кадастр рақами – бу ер участкаси, бино ва иншоотга тегишли Ўзбекистон Республикаси ҳудудида такрорланмайдиган рақамдир. У ер участкаси, бино ва иншоот ягона объект сифатида мавжуд бўлгунига қадар сақланиб қолинади.

11. Кадастр бўйича рақамлаш тизими ер участкалари, бинолар ва иншоотларнинг кадастр рақамларини идентификациялаш ва ҳисобга олишнинг ягона тизимига бирлаштирилади ва яхлит кўринишда ёзилади.

12. Қуйидагилар ер участкалари, бинолар ва иншоотлар кадастр рақамининг мажбурий элементларини ташкил этади:

худудлар коди;

худудлар таркибидаги маъмурий туманларнинг (шаҳарларнинг) коди;

кадастр зонаси коди;

кадастр массиви коди;

кадастр мавзеси коди;

ер участкасининг коди;

бино, иншоотнинг коди;

бино, иншоот бир қисмининг коди.

13. Ер участкаси, бино ва иншоотларининг кадастр рақами қуйидаги тузилмага эга:
AA:BB:CC:DD:EE:FFFF:GGGG:NNN,

(хат бошиси қўмитанинг 2010 й. 12.10.2010 й. 104-сонли буйруғи таҳририда)

бунда:

AA – худудларнинг кодини билдирувчи икки разрядли ўнли сон;

BB – худудлар таркибидаги маъмурий туманларнинг (шаҳарларнинг) кодини билдирувчи икки разрядли ўнли сон;

CC – кадастр зоналари кодини билдирувчи икки разрядли ўнли сон;

DD – кадастр массивлари кодини билдирувчи икки разрядли ўнли сон;

EE – кадастр мавзелари кодини билдирувчи икки разрядли ўнли сон;

FFFF – ер участкалари кодини билдирувчи тўрт разрядли ўнли сон;

GGGG – ер участкасидаги бинолар ва иншоотлар кодини билдирувчи тўрт разрядли ўнли сон;

NNN – бино ва иншоотларнинг бир қисми кодини билдирувчи уч разрядли ўнли сон.

Ушбу тартибдан келиб чиқиб, ер участкаларининг кадастр рақами 14 разрядли ўнли сондан иборат бўлиши шарт.

Бино ва иншоотларнинг кадастр рақами, ушбу бинолар ва иншоотлар жойлашган ер участкасининг кадастр рақамидан кейин бино ва иншоотга берилган тўрт разрядли ўнли сондан иборат код қўшилиб, 18 разрядли ўнли сондан, бинолар ва иншоотларнинг бир қисми уч разрядли ўнли сон қўшилиб 21 разрядли ўнли сондан иборат бўлади.

14. Худудлар, туманларнинг (шаҳарларнинг) кодлари 2-иловага мувофиқ қабул қилинади.

15. Туманлар (шаҳарлар) доирасида кадастр зоналарини, кадастр зоналари доирасидаги массивларни ҳамда массивлар доирасидаги мавзеларни рақамлаш (кодлаш), туманлар (шаҳарлар) ҳудудини зоналарга, массивларга ва мавзеларга бўлиш жараёнида амалга оширилади.

Кадастр зоналари, массивлари ва мавзелари барча ҳужжатларда уларнинг коди билан белгиланади, уларга, одатда, ном берилмайди.

16. Кадастр зоналари, массивлари ва мавзеларининг чегаралари, одатда, шаҳарларнинг, шаҳар туманларининг, қишлоқларнинг (овуллабларнинг) маъмурий чегаралари бўйича қабул қилинади. Кейинчалик, маъмурий чегаралар ўзгарганда, кадастр бўйича бўлиниш тизимига тегишли ўзгаришлар киритилади.

Ер участкасининг кадастр рақамини шакллантириш мисоли 3-иловада келтирилган.

17. Ер участкасига кадастр рақамини бериш ер участкаси кўчмас мулк объекти сифатида шакллантирилгандан кейин туман (шаҳар) ер кадастри дафтарини тўлдириш жараёнида амалга оширилади.

Ер участкаларига берилган кадастр рақами уларни ҳисобга олиш реестрида акс эттирилади.

18. Туман (шаҳар) ҳудудида жойлашган тегишли соҳа кадастрларида айнан ном ёки рақам билан алоҳида ҳисобга олинган узун объектлар (каналлар, коллекторлар, автомобиль ва темир йўллари, электр ва алоқа линиялари) жойлашган ерлар мустақил ер участкалари ҳисобланади ва уларга туман (шаҳар) доирасида, улар қандай зоналар, массивлар ва мавзеларда жойлашишидан қатъи назар, 14 разрядли ўнли сондан иборат ягона кадастр рақами берилади.

Узун ер участкаларининг кадастр рақамини шакллантиришда, улар қайси зонада кўпроқ жойлашган бўлса, ўша зона коди, шу зонадаги қайси массивда кўпроқ жойлашган бўлса, ўша массив коди, ушбу массивда қайси мавзеда кўпроқ жойлашган бўлса, ўша мавзе коди ва ушбу мавзедаги навбатдаги ер участкаси коди берилади.

Ҳудудлар кадастр бўйича бўлингандан кейин янги ер участкаси бир нечта мавзелар ҳудудидан берилган бўлса, шу ер участкаси қайси мавзеда кўпроқ жойлашган бўлса, ўша мавзенинг коди берилади ва ҳудудларни кадастр бўйича бўлиш картографик материалларига тегишли ўзгаришлар киритилади.

19. Янгидан суратга олиш (тузатишлар киритиш), рўйхатга олиш, янги кадастр хариталарини (планларини) тайёрлаш жараёнида ер участкаси, бино ва иншоотнинг (уларнинг бир қисмидан ташқари) кадастр рақамини ташкил этувчи мажбурий элементлари (кодлар) ўзгартирилмайди.

20. Биолар ва иншоотларнинг кадастр рақами маълум ер участкасидаги бино ва иншоотларнинг ҳар бирига биринчисидан бошлаб, қолганларига навбатдаги тартиб рақами бериш йўли билан шакллантирилади.

(иккинчи хат бошиси қўмитанинг 2010 й. 12 .10.2010 й. 104-сонли буйруғига асосан чиқариб ташланди)

21. Бино ва иншоотлар бир қисмининг кадастр рақами асосий бинонинг бир қисми сифатида навбатдаги уч разрядли ўнли сон рақами бериш йўли билан шакллантирилади.

Бино ва иншоотларнинг бир қисми бўлиб, у асосий бинодан бошқача ҳуқуқий мақомга эга (ҳуқуқ эгаси бошқа шахс) бўлган унинг айрим хоналари (квартиралар, алоҳида хоналар ва улардан ажралиб турган бошқа қисмлари) ҳисобланади.

Кўп қаватли уйлардаги квартираларга кадастр рақамини шакллантириш жараёнида уй-жой мулкдорлари ширкатлари ёки шу уйдан фойдаланиб турадиган бошқа ташкилотларнинг ер участкаси ва айнан унинг кадастр рақами асос қилиб олинади. Ер участкасидаги кўп қаватли уй-жойнинг бир қисми коди сифатида квартира тартиб рақами қабул қилинади.

22 Биолар ва иншоотларга кадастр рақами ушбу биоларга ва иншоотларга кадастр ҳужжатларини тайёрлаш жараёнида ер участкасининг бино ва иншоотлар акс эттирилган плани тайёрлангандан кейин берилади.

23. Бутун ер участкасига, биолар ва иншоотларга бўлган ҳуқуқ бошқа шахсга ўтганда ва (ёки) уларга бўлган ҳуқуқ тури ўзгарганда, ушбу кўчмас мулк объектларининг кадастр рақами ўзгармайди.

Ер участкаларининг чегаралари ва майдони, уларни бўлиш ёки қўшиш ёхуд бир қисмини олиб қўйиш натижасида ўзгарганда ҳамда янги ер участкаси ташкил этилганда, уларга мазкур Йўриқномада белгиланган тартибда янги кадастр рақами берилади.

Бунда олдин берилган кадастр рақамлари бекор қилинади ва улар кейинчалик қўлланилмайди.

24. Ер участкалари, биолар ва иншоотларга берилган кадастр рақамлари ер кадастри дафтарыда, ерга бўлган ҳуқуқ давлат реестрида, биолар ва иншоотларнинг кадастр дафтарыда, бино ва иншоотларни ҳисобга олиш реестрида ва бошқа кадастр ҳужжатларида акс эттирилади.

IV. Худудларни кадастр бўйича бўлиш хариталарини тайёрлаш тартиби

25. Туман, шаҳар ва шаҳарчаларнинг худудларини кадастр бўйича бўлиш картографик материалларда (хариталар, планлар ёки схемаларда) амалга оширилади.

26. Туман, шаҳар ва шаҳарчаларнинг худудларини кадастр бўйича бўлиш учун ҳар қандай қўлай масштабда мавжуд туман қишлоқ хўжалиги хариталари ва топографик

хариталар асосида туман, шаҳар ва шаҳарчаларнинг махсус хариталари ва планлари тайёрланади.

Шаҳар ва шаҳарчаларнинг топографик хариталари бўлмаган тақдирда, уларнинг махсус схемалари тайёрланади. Ушбу схемаларда зоналарнинг, массивларнинг ва мавзеларнинг чегаралари ўтадиган топографик элементлар (кўчалар, йўллар, каналлар, ариқлар, коллекторлар, зовурлар ва ҳ.к.) аниқ туширилган бўлиши зарур.

Худудларни кадастр бўйича бўлиш хариталари, планлари, схемаларининг масштаби ҳар қандай мавжуд ёки янги ташкил бўладиган ер участкасининг қайси мавзе ҳудудига киришини аниқ белгилаш имконини яратиши керак.

Туман ва шаҳарлар ҳудудининг катта-кичиклигига қараб, зона ёки массив бўйича алоҳида хариталар ёки планлар тайёрланиши мумкин.

27. Худудларни кадастр бўйича бўлиш хариталарида, планларида, схемаларида зоналарнинг, массивларнинг ва мавзеларнинг чегаралари ва кодлари алоҳида рангларда кўрсатилади.

Туман ҳудудини картографик материалларда зоналар, массивлар ва мавзеларга бўлиш мисоллари 1а, 1б ва 1в идоваларида келтирилади.

Шаҳар ҳудудини картографик материалларда зоналар, массивлар ва мавзеларга бўлиш Наманган шаҳри мисолида 4-иловада келтирилмоқда.

28. Худудларни кадастр бўйича бўлиш хариталари, планлари, схемалари уларни тузувчи мутахассис ҳамда туман (шаҳар) ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи томонидан имзоланади ва туман (шаҳар) ҳокимининг қарори билан тасдиқланади.

V. Худудларни кадастр бўйича бўлиш материалларига ўзгартиришлар киритиш тартиби

29. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 21 январдаги 35-сонли қарори билан тасдиқланган “Ер участкалари, бино ва иншоотларни кодлаштиришнинг ягона тизими”га мувофиқ илгари берилган кадастр рақамлари сақланиб қолинади. Ушбу тартибга мувофиқ берилган ер участкаларининг кадастр рақами 16 сондан ва бинолар, иншоотларнинг кадастр рақами 20 сондан иборат бўлиши шарт. Ушбу қоидага риоя қилинмасдан берилган кадастр рақамлари маълумотлар базасида ва кадастр ҳужжатларида тўғриланади.

Ушбу тартибга мувофиқ берилган кадастр рақамлари ер участкасининг чегаралари ва майдонлари ўзгарганда, кўчмас мулк бўйича операциялар амалга оширилаётганда, кўчмас мулк объектларининг ҳуқуқ эгалари ўзгарганда, юридик ва жисмоний шахслар мурожаат қилганда, уларга янги кадастр рақами мазкур Йўриқномага мувофиқ берилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 31 декабрдаги 492-

сонли қарорига мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Қашқадарё шаҳар ҳокимларининг қарорлари билан ҳудудларни кадастр бўйича бўлиш материаллари тасдиқлангандан кейин эски тартибга мувофиқ ер участкаларига берилган кадастр рақамлари мазкур Йўриқномада белгиланган тартибга мувофиқ ўзгартирилади.

30. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 31 декабрдаги 492-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси ҳудудларини кадастр бўйича бўлиш ҳамда ер участкалари, бинолар ва иншоотларнинг кадастр рақамларини шакллантириш тартиби тўғрисида низом”га мувофиқ бўлинган зоналар, массивлар ва мавзелар, асосан, сақланиб қолинади.

Ушбу Низомга мувофиқ ҳудудларни кадастр бўйича бўлиш амалга оширилгандан кейин маъмурий-ҳудудий тизимга ўзгаришлар киритилган тақдирда, ҳудудларни кадастр бўйича бўлиш хариталарига, планларига ва схемаларига тегишли ўзгаришлар киритилади.

31. Туманлар тугатилганда, уларнинг кодлари бекор қилинади ва бу кодлардан бошқа фойдаланилмайди. Янги туманлар ташкил этилганда, уларга навбатдаги код берилади.

Туманлар тугатилиб, уларнинг ҳудуди бошқа туманларга берилганда, тугатилган туманлардаги зоналар, массивлар ва мавзелар, иложи борича, сақланиб қолинади, зоналарга эса навбатдаги код берилади.

32. Туманга бўйсунуви шаҳарчалар тоифасига ўтказилган вилоятга бўйсунувчи шаҳарлар маъмурий-ҳудудий тузилмалар таркибидан чиқариб ташланади. Бунда вилоят бўйича бошқа туманларга (шаҳарларга) илгари берилган кодлар қайта кўриб чиқилмайди ва улар сақланиб қолинади.

Вилоятга бўйсунувчи шаҳарлар туманга бўйсунуви шаҳарчалар тоифасига ўтказилган тақдирда, улар туман доирасида зона сифатида қабул қилинади ва уларга навбатдаги зона коди берилади. Ушбу шаҳарларда илгари шакллантирилган зоналар ва уларнинг кодлари бекор қилинади, массив ва мавзелар илгари берилган кодлар билан сақланиб қолинади.

Туманга бўйсунувчи шаҳарлар вилоятга бўйсунувчи шаҳарлар тоифасига ўтказилганда, уларга маъмурий-ҳудудий тузилмалар сифатида навбатдаги код берилади ва уларнинг ҳудуди зоналарга бўлинади, массивлар ва мавзелар сақланиб қолинади.

Қишлоқ аҳоли пунктлари шаҳарчалар тоифасига ўтказилганда, уларга зона сифатида навбатдаги код берилади ва уларнинг ҳудуди массив ва мавзеларга бўлиниши ёки мазкур Йўриқноманинг 5-банди учинчи хат бошига мувофиқ кодланиши мумкин.

33. Ер участкалари, бинолар ва иншоотлар тўғрисидаги маълумотлар базасида ва барча кадастр ҳужжатларида уларнинг кадастр рақамлари тўлиқ ёзилади.

Мазкур Йўриқномада белгиланган тартибга зид равишда берилган кадастр

рақамлари кадастр маълумотлари базасида ва бошқа кадастр ҳужжатларида тегишли равишда тўғриланади.

34. Мазкур Йўриқномага мувофиқ туман (шаҳар) бўйича зоналар, массивлар ва мавзеларнинг янги рўйхати тузилади. Бунда ер участкаларининг коди келтирилмайди.

Туман (шаҳар) бўйича зоналар, массивлар ва мавзеларнинг янги рўйхати ҳамда ҳудудларни кадастр бўйича бўлиш хариталари, планлари ёки схемалари туманлар (шаҳарлар) ҳокимининг қарори билан, уларнинг қарорлари тегишлигича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Қашқадарё шаҳар ҳокимларининг қарорлари билан тасдиқланади.

Кейинчалик маъмурий-ҳудудий тузилмалар таркибида ўзгаришлар пайдо бўлган тақдирда, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Қашқадарё шаҳар ва туман (шаҳар) ҳокимларининг қарорларига тегишли ўзгаришлар киритилади.

VI. Ер участкаларининг кадастр рақамларини ҳисобга олиш

35. Ер участкаларига кадастр рақамларини бериш жараёнини тартибга солиш ва навбатдаги кадастр рақамларини тўғри аниқлаш мақсадида, берилган кадастр рақамлари мунтазам равишда ҳисобга олиб борилади.

Ер участкаларининг кадастр рақамларини ҳисобга олиш махсус реестрда 5-иловага мувофиқ ушбу ишларни бажариш учун белгиланган масъул ходим томонидан амалга оширилади.

36. Ер участкаларининг кадастр рақамларини ҳисобга олиш реестри ҳар бир туманда (шаҳарда) мавзелар бўйича электрон ёки қоғоз шаклида юритилади.

Реестрнинг бошида ҳудуднинг, зонанинг, массивнинг ва мавзенинг коди келтирилади. Кадастр рақамларини ҳисобга олиш реестрида ер участкасидан фойдаланувчининг номи, ер участкасига берилган кадастр коди, ер участкасининг жойлашган жойи, унинг майдони, кадастр рақамининг бекор қилинганлиги тўғрисида маълумотлар акс эттирилади.

37. Ер участкаларининг кадастр рақамларини ҳисобга олиш реестри қуйидаги тартибда тўлдирилади:

1-устунда – тартиб рақами;

2-устунда – ердан фойдаланувчи юридик шахснинг расмий қискартирилган номи ёки жисмоний шахснинг фамилияси ва тўлиқ исми-шарифи;

3-устунда – ер участкасига берилган тўрт разрядли ўнли сон коди;

4-устунда – ер участкасининг жойлашган жойи (аҳоли пунктларининг, кўчаларнинг номи, уй рақами, бошқа жойларда маҳалла номи);

5-устунда – ер участкасининг майдони, гектарларда;

6-устунда – кадастр рақами бекор қилинган тақдирда “бекор қилинди” деб ёзилади ва бунга асос бўлган ҳужжат номи ва санаси ёзилади.

VII. Худудларни кадастр бўйича бўлиш ишларини амалга ошириш бўйича жавобгарлик

38. Худудларни кадастр бўйича бўлиш ишларини мазкур Йўриқномага мувофиқ амалга оширилишининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Қашқадарё шаҳар ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармалари ташкил этилиши ва таъминланиши учун белгиланган тартибда жавоб беради.

39. Худудларни кадастр бўйича бўлиш ишларини бажариш бўйича тайинланган масъул шахс ушбу ишларни мазкур Йўриқномага мувофиқ амалга оширилиши учун белгиланган тартибда жавоб беради.

Илова 2

Ўзбекистон Республикаси худудларини
кадастр бўйича бўлиш ҳамда ер участкалари, бинолар
ва иншоотларнинг кадастр рақамларини шакллантириш
тартиби тўғрисида йўриқномага
2-илова

Худудларнинг, туманларнинг (шаҳарларнинг) кодлари

Худудларнинг номи	Кодлар	Туманларнинг (шаҳарларнинг) номи	Кодлар
Қорақалпоғистон Республикаси	23	Туманлар	
		Амударё	01
		Беруний	02
		Кегейли	04
		Мўйноқ	05
		Нукус	06
		Тахтакўпир	07
		Тўртқўл	08
		Хўжайли	09
		Чимбой	10
		Шуманай	11
		Элликқалъа	12
		Қонликўл	13
		Қораўзак	14
		Қўнғирот	15
(Туманлар рўйхати қўмитанинг 2010 й. 12.10.2010 й. 104-сонли буйруғи таҳририда)			
		Республикага бўйсунувчи шаҳарлар	
		Нукус	17
		Тахиатош	18
Андижон вилояти	17	Туманлар	
		Андижон	01
		Асака	02
		Балиқчи	03
		Бўз	05
		Булокбоши	04
		Жалакудук	06

		Избоскан	07
		Марҳамат	08
		Олтинкўл	09
		Пахтаобод	10
		Улуғнор	11
		Хўжаобод	12
		Шаҳрихон	13
		Қўрғонтепа	14
		Вилоятга бўйсунувчи шаҳарлар	
		Андижон	15
		Асака	16
		Хонобод	17
Бухоро вилояти	20	Туманлар	
		Бухоро	01
		Вобкент	02
		Жондор	03
Худудларнинг номи	Кодлар	Туманларнинг (шаҳарларнинг) номи	Кодлар
		Когон	04
		Қоракўл	10
		Олот	05
		Пешку	06
		Ромитан	07
		Шофиркон	08
		Қоровулбозор	09
		Ғиждувон	11
		Вилоятга бўйсунувчи шаҳарлар	
		Бухоро	12
		Когон	14
Жиззах вилояти	13	Туманлар	
		Арнасой	01
		Бахмал	02
		Ғаллаорол	03
		Жиззах	04
		Навоий	05
		Зарбдор	06
		Зафаробод	07
		Зомин	08
		Мирзачўл	09
		Пахтакор	10
		Фориш	11
		Янгиобод	12
		Вилоятга бўйсунувчи шаҳарлар	
		Жиззах	13
Қашқадарё вилояти	18	Туманлар	
		Миришкор	01
		Дехқонобод	02
		Касби	03
		Китоб	04
		Косон	05
		Муборак	06
		Нишон	07
		Чироқчи	09
		Шаҳрисабз	10

		Яккабоғ	11
		Қамаши	12
		Қарши	13
		Ғузур	14
		Вилоятга бўйсунувчи шаҳарлар	
		Қарши	15
Навоий вилояти	21	Туманлар	
		Конимех	01
		Навбахор	02
		Кармана	03
		Нурота	04
		Томди	05
		Учкудук	06

Худудларнинг номи	Кодлар	Туманларнинг (шаҳарларнинг) номи	Кодлар
		Хатирчи	07
		Қизилтепа	08
		Вилоятга бўйсунувчи шаҳарлар	
		Навоий	09
		Зарафшон	10
Наманган вилояти	16		
		Косонсой	01
		Мингбулоқ	02
		Наманган	03
		Норин	04
		Поп	05
		Тўрақўрғон	06
		Уйчи	07
		Учқўрғон	08
		Чортоқ	09
		Чуст	10
		Янгиқўрғон	11
		Вилоятга бўйсунувчи шаҳарлар	
		Наманган	12
Самарқанд вилояти	14	Туманлар	
		Булунғур	01
		Жомбой	02
		Иштихон	03
		Қўшработ	04
		Каттакўрғон	05
		Нарпай	06
		Нуробод	07
		Оқдарё	08
		Пайариқ	09
		Пастдарғом	10
		Пахтачи	11
		Самарқанд	12
		Тайлоқ	13
		Ургут	14
		Вилоятга бўйсунувчи шаҳарлар	
		Каттакўрғон	15
		Самарқанд	16
Сурхондарё вилояти	19	Туманлар	

	Ангор	01
	Бандихон	02
	Бойсун	03
	Денов	04
	Жарқўрғон	05
	Қизирик	06
	Қумқўрғон	07
	Музработ	08
	Олтинсой	09
	Сариосиё	10
	Термиз	11
	Узун	12
	Шеробод	13
	Шўрчи	14

Худудларнинг номи	Кодлар	Туманларнинг (шаҳарларнинг) номи	Кодлар
		Вилоятга бўйсунувчи шаҳарлар	
		Термиз	16
Сирдарё вилояти	12	Туманлар	
		Боёвут	01
		Гулистон	02
		Мирзаобод	03
		Оқолтин	04
		Сардоба	05
		Сайхунобод	06
		Сирдарё	07
		Ховос	08
		Вилоятга бўйсунувчи шаҳарлар	
		Ширин	09
		Гулистон	10
		Янгиер	11
(Туманлар ва шаҳарлар рўйхати қўмитанинг 2010 й. 12.10.2010 й. 104-сонли буйруғи таҳририда)			
Қашқадарё вилояти	11	Туманлар	
		Бекобод	01
		Бўка	02
		Бўстонлик	03
		Зангиота	04
		Қибрай	05
		Қуйичирчиқ	06
		Оққўрғон	07
		Охангарон	08
		Паркент	09
		Пискент	10
		Ўртачирчиқ	12
		Ғузор	13
		Юқори Чирчиқ	14
		Янгийўл	15
(Туманлар рўйхати қўмитанинг 2010 й. 12.10.2010 й. 104-сонли буйруғи таҳририда)			
		Вилоятга бўйсунувчи шаҳарлар	
		Ангрен	16
		Бекобод	17
		Олмалиқ	18
		Охангарон**)	19

		Чирчиқ	20
		Янгийўл*)	22
Фарғона вилояти	15	Туманлар	
		Бағдод	01
		Бешариқ	02
		Бувайда	03
		Данғара	04
		Ёзёвон	05
		Қува	06
		Олтиариқ	07
		Охунбобоев	08
		Риштон	09
		Сўх	10
Худудларнинг номи	Кодлар	Туманларнинг (шаҳарларнинг) номи	Кодлар
		Тошлоқ	11
		Учкўприк	12
		Фарғона	13
		Фуркат	14
		Ўзбекистон	15
		Вилоятга бўйсунувчи шаҳарлар	
		Қуқон	16
		Қувасой	18
		Марғилон	19
		Фарғона	20
Хоразм вилояти	22	Туманлар	
		Боғот	01
		Гурлан	02
		Урганч	03
		Хонка	04
		Хива	05
		Шовот	06
		Янгиариқ	07
		Янгибозор	08
		Қўшқўпир	09
		Ҳазорасп	10
		Вилоятга бўйсунувчи шаҳарлар	
		Урганч	11
Қашқадарё шаҳри	10	Шаҳарга бўйсунувчи туманлар	
		Ўчтепа	01
		Бектемир	02
		Чилонзор	03
		Хамза	04
		Яккасарой	05
		Сирғали	06
		Юнусобод	07
		Олмазор (Собир Рахимов)	08
		Мирзо Улуғбек	09
		Шайхонтохур	10
		Миробод	04

**Ер участкаси, бино ва иншоотларнинг кадастр рақамларини
шакллантириш мисоли**

1. Ер участкаси Қашқадарё вилояти Чирчиқ шаҳрида жойлашган:

Қашқадарё вилоятининг коди – 11,
Чирчиқ шаҳрининг коди – 20,
Ер участкаси жойлашган кадастр зонаси коди – 01,
Ер участкаси жойлашган кадастр массиви коди – 02,
Ер участкаси жойлашган кадастр мавзеси коди – 04,
Кадастр мавзесида жойлашган ер участкасининг коди – 0157,

Ер участкасининг кадастр рақами қуйидагича бўлади:

11:20:01:02:04:0157. (*хат бошиси қўмитанинг 2010 й. 12 .10.2010 й. 104-сонли буйруғи таҳририда*)

2. Бино ва иншоотнинг кадастр рақами:

Ер участкасининг кадастр рақами – 11:20:01:02:04:0157

Ушбу ер участкасида 5 бино ва иншоот жойлашган.

Ҳар бир бино ва иншоотнинг кадастр рақами қуйидаги сонлардан иборат бўлади:

11:20:01:02:04:0157:0001

11:20:01:02:04:0157:0002

11:20:01:02:04:0157:0003

11:20:01:02:04:0157:0004

11:20:01:02:04:0157:0005

(*банд қўмитанинг 2010 й. 12 .10.2010 й. 104-сонли буйруғи таҳририда*)

3. Кўп қаватли турар жойдаги квартиранинг кадастр рақами:

Ер участкасида жойлашган 0001 код берилган турар жой биносидаги квартиранинг тартиб рақами 27 бўлса, квартиранинг тулиқ кадастр рақами қуйидагича бўлади:

11:20:01:02:04:0157:0001:027


Бунда 0001 турар жой биносининг коди, 027 бинонинг бир қисми – квартиранинг коди.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудларини
кадастр бўйича бўлиш ҳамда ер участкалари,
бинолар ва иншоотларнинг кадастр рақамларини
шакллантириш тартиби тўғрисида йўриқномага

4-илова

Наманган шаҳар ҳокимининг
2010 й. 13 майдаги 254- сонли қарорига
2-илова

Наманган вилояти Наманган шаҳри ҳудудини кадастр бўйича бўлиш
СХЕМАСИ




Шартли белгилар



Кадастр зонасининг чегараси ва коди



Кадастр массивининг чегараси ва коди



Кадастр мавзесининг чегараси ва коди

**Ер участкаларининг кадастр рақамларини
хисобга олиш реестри**

_____ коди	
(ҳудуд номи)	
_____ коди	
(туман, шаҳар номи)	

01-зона (_____), 01-массив, 01-мавзе
(аҳоли пунктининг номи)

Т/р	Ер участкасидан фойдаланувчининг номи	Ер участкасига берилган кадастр рақами	Ер участкасининг жойлашган жойи	Ер участкасининг майдони, га	Кадастр рақамининг бекор килинганлиги тўғрисида белги (асос, сана)
1	2	3	4	5	6

*) Олий Мажлис Қонқчилик палатасининг 19.11.2010 даги 199-П-сонли қарори билан Янгийўл туман Янгийўл шаҳри билан бирлаштирилган ва Янгийўл шаҳри туманга буйсунувчи шаҳарлар тоифасига ўтказилган.

**) Олий Мажлис Қонқчилик палатасининг 30.11.2010 даги 219-П-сонли қарори билан Охангарон туман Охангарон шаҳри билан бирлаштирилган ва Охангарон шаҳри туманга буйсунувчи шаҳарлар тоифасига ўтказилган.